*Adabiyot, madaniyat yashasa — millat yashaydi*

# O‘zbekiston adabiyoti va san’ati

1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan

ADABIY-BADIIY, MA’NAVIY-MA’RIFIY, IJTIMOIY GAZETA

2021-yil 29-oktabr / № 44 (4651)

**Ҳазрат Алишер Навоийнинг ушбу мисралари тилга олинганда “Инсон қаёққа кетяпти?” деган саволга жавоб бериш ғоят мушкул бўлган бугунги мураккаб, таҳликали замоннинг синовли кунлари кўз олдимизга келади. Ҳақиқатан, жаҳон майдони ичра турмоқ, турганда ҳам шараф билан турмоқ саодати ҳар бир давлат, ҳар бир миллатдан миллий юксалиш, бирлик, метин иродани талаб этади.**

## «ЭМАС ОСОН БУ МАЙДОН ИЧРА ТУРМОҚ...»

Ўзбек халқи ана шундай имтиҳонли кунларда ўз Юртбошиси раҳнамолигида танлаган халқпарвар, демократик йўли тўғрилигини, ўзи орзулаётган буюк келажакка муносиблигини жаҳон ҳамжамиятига намоён эта олди. Ҳа, куни кеча бўлиб ўтган Президент сайловида халқимиз ўзининг жипслиги, эртанги кунга ёруғ ишончи, бирдамлиги, маънавий тафаккур қудратини кўрсата олди. Ҳар қандай иштибоҳлар, пашшадан фил ясайдиганларнинг арзимас важ-карсонларию майда-чуйда масалалар миллатнинг эртанги тақдири, ҳаёт-мамоти олдида ҳеч қандай роль ўйнамаслигини теран англаган халқ сиймоси яққол кўринди.

Мамлакатимизда бўлиб ўтган сайловларда Европа Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти Демократик институтлар ва Инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси, ШҲТ, МДҲ мамлакатлари, Туркий тилли давлатларнинг Парламент Ассамблеяси, Иқтисодий Ҳамкорлик ташкилоти каби ўндан ортиқ давлатлардан келган мингга яқин халқаро кузатувчилар иштирок этиб, нафақат сайлов жараёнларининг демократик тамойиллар асосида ўтганлиги, балки халқимизнинг сиёсий иродаси, маданияти, ўз келажагига дахлдорлиги, ишончи, тафаккур қудратига ҳам баҳо бердилар. Сайловда Ўзбекистон Либерал Демократик партиясидан Ўзбекистон Президентлигига номзод Шавкат Миромонович Мирзиёев қайтадан Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланди.

Бу ишонч ўтган беш йил давомида мамлакатимиздаги адолатли ислоҳотларнинг, яратувчилик, бунёдкорликни умумиллий ҳаракатга айлантирган халқимизнинг эртанги янги довонларга бел боғлаб, отланиб тургани ифодасидир.

Бу ишонч ислоҳотлар самараси, мевасини ўз ҳаётида, тақдирида татиб кўрган ҳар бир фуқаронинг бахти бардавомлиги учун берган овози инъикосидир.

Бу дунё алғов-далғов бўлиб турган, сиёсий ўйинлар, фитналар, урушлар авж олган бир пайтда ҳам жаҳон минбаридан Ўзбекистон овози ўзбек тилида баралла янграган, тинчлик, хавфсизлик, инсонпарварлик, халқпарварлик туғини кўтарган, бугун дунёни ўзгартираётган лидерлар қаторида эътироф этилаётган йўлбошчиси учун берилган овоздир.

Бу бир вақтлар пахта сиёсатининг жабрини тортган, умри мактабда ўқувчига сабоқ бериш билан эмас, пахта даласида бригадир, таяниб белчи кўзига термулиб ўтган, устозлик шараф эмас, юрак изтиробига айланган ўқитувчи, муаллим, миллат зиёлисининг уни шарафлаган замон, янги Ўзбекистон учун берган овозидир.

Бу банк остонасида ўттиз-қирқ минг пулини нақд қилиш учун кун бўйи сарғайган, пластикдаги пулини 15-20 фоизга ечдириб ҳам кўзда ёши билан дуо қилган, бундай оғриқли муаммоларни ўз сиёсий иродаси билан қатъий ҳал қилган Юртбошисини аллақачон чин юракдан сайлаб олган нафақадор ота-оналаримизнинг бугунги кундан шукроналик, ризолик овозидир.

Бу қадим-қадимдан қуда-қудағай, биродар бўлиб яшаган, жисмию қалби бир дарёдан сув ичган қўни-қўшни бўлиб туриб, замоннинг ёлғон ўйинларига алданиб, бир-бирига терс қараган, берк дарвозаларни очолмай қон қақшаган, ота-онасининг таъзиясига боролмай чегараларда сарсон-саргардон бўлган одамларнинг бугунги дўстлик, бирдамлик, келажакка очилган эшиклар учун берган овозидир.

Бу тақдири хўрликдан ҳурликка алмашган, алданиб, адашган, қийноқлардан афв этилган озод фуқаролар овозидир.

2



**Авайлаб сўйлатсанг хазон баргини,**
**Етти иқлимларга ривоят бергай.**
**Дил кўзига суртсанг тупроқ гардини**
**Юз минг дил аҳлидан ҳикоят бергай.**





**Аҳмад ТЎРА олган суратлар**

**Дилором ОМОНУЛЛАЕВА,**
**Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби**

МУНОСАБАТ

## МИЛЛИЙ ЭСТРАДА САНЪАТИМИЗ УЧУН МУНОСИБ ТУҲФА

Мамлакатимизда миллий эстрада ижрочилиги мактабларини яратиш, юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш, илмий салоҳиятдан самарали фойдаланган ҳолда миллий эстрада санъатини жадал ривожлантириш масаласи доимий эътиборда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон давлат консерваторияси ҳузуридаги Ботир Зокиров номидаги Миллий эстрада санъати институтини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори ҳам бунинг яққол исботидир.

Қарорга кўра, миллий эстрада санъати йўналиши бўйича малакали мутахассислар ва илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш, уларнинг илмий-ижодий фаолият билан шуғулланишлари учун кенг имкониятлар бериш, таълим тизимида ўқув-методик адабиётлар яратиш, атоқли композиторлар ҳамда бастакорлар, хонанда ва созандалар ижодини чуқур ўрганиш йўлга қўйилади. Бу қарор эстрада йўналишидаги ишларни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқади. Шунингдек, миллий эстрада намуналарини нотага кўчириш, мусиқий эстрада бўйича фундаментал, амалий ва ижодий изланиш ва тадқиқотлар олиб бориш, соҳада шаклланган ижодий мактабларнинг ўзига хос ижро услублари ва анъаналарини қайта тиклаш ҳамда ривожлантириш, ижро ва ижодий мактаблар фаолиятини қўллаб-қувватлаш, ривожлантиришни ҳам кўзда тутгани билан аҳамиятлидир.

Қарорда бизни қувонтирадиган яна бир нарса бор. Бу ҳам бўлса, миллий эстрада йўналишида замонавий ижро намуналарининг "Олтин фонди"ни яратиш масаласидир. Фонд эстрада йўналишидаги бебаҳо қўшиқларни сақлаб қолишга имкон беради. Ваҳоланки, шу пайтгача соҳага мутлақо эътибор берилмаганди. Энди қарор асосида халқимиз, хусусан, ёш авлод онгида миллий эстрада қўшиқчилиги орқали миллий ўзликни англаш туйғуси, юксак бадиий-эстетик, мусиқий дид ва тафаккурни камол топтириш, эстрада йўналишларида хорижий олий таълим муассасалари ва ташкилотлари билан халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш, ўзаро тажриба алмашиш, қўшма таълим дастурлари ва илмий лойиҳаларни амалга ошириш имконияти туғилмоқда, десак янглишмаймиз.

2

Турли даврларда яратилган луғатлардаги сўз маъноларига берилган изоҳларга қараганда, тил ва нутқ бирликларининг семантик структурасида маъно кенгайиши ва торайиши кузатилади. Сўзнинг фаол маъноси сустлашиши ёки фаоллашишида тарихий шароит муҳим аҳамият касб этади.

Хусусан, пандемия шароитида кўнгилли, ниқоб, масофавий, анъанавий каби кўплаб сўзлардаги асосий маъно иккиламчи ўринга тушиб, ушбу сўзларнинг айни вазият тақозо этаётган волонтёр, маска, дистанция, онлайн, офлайн маънолари фаоллашди. Зиёрат лисоний бирлик сифатида яқин ўтмишда муқаддас маскан-

## МУЖАССАМ МАЪНОЛАР

ларни тавоф қилиш маъносида, ҳозирда эса шу маънога қўшимча равишда ота-онани, яқинларни, кексаларни йўқлаш, сафарга бориш-қайтиш каби маъноларни ҳам англата бошлади. Жангу жадалнинг асосий атамаларидан бири стратегия эса ҳаракатлар стратегияси мамлакатни қисқа муддатда ривожланган давлатлар қаторига олиб чиқиш маъносини англатадиган бирлик вазифасини бажармоқда. Мамлакат раҳбарининг ташаббуси билан бошланган камбағалликни қисқартириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ҳаракати натижасида тилда темир дафтар, аёллар дафтари, ёшлар дафтари, маҳаллабай, хонадонбай ишлаш каби бирликларнинг қўлланиши изчиллашди. Автомобил ва техникага оид механизм атамаси ҳам эндиликда жараённинг юзага келишидаги боғлиқликлар маъносини ифодалаб, жойларга ном қўйиш механизми тарзида қўлланилмоқда. Яъни бу атама шу йўналишда муайян илмий изланишларнинг натижалари асосида юзага келган тизимнинг барча узвлари талаб даражасида тўғри, фаол ишлашини таъминлаш маъносини англата бошлади. Бошқача айтганда, жойга қўйиладиган ном объектнинг ижтимоий-сиёсий хусусияти, мазмун-моҳияти, жуғрофий ҳолатига ҳамда миллий дунёқарашимизга мос тушиши ҳисобга олинган ҳолда танланган бу атама ҳодисалар йиғиндиси ва унинг бир маромда ишлаши, деган маънолар мужассамини ифодалайди.

Ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришлар туфайли халқ қабулхонаси, ягона дарча, давлат хизматлари агентлиги, йўл харитаси, китобхонлар танлови, ижтимоий институтлар, оила институти, маҳалла институти, яширин иқтисодиёт, рақамли иқтисодиёт, рақамли телевидение, базавий ҳисоблаш миқдори тарзидаги атамалар юзага келди.

2

**Сирожиддин САЙИД,**
**Ўзбекистон халқ шоири**

## ВАТАН ҚОЛАР ЭКАН, ВАТАН АБАДИЙ



**Баҳрайн сувларига чайдим юзимни,**
**Насимлар эсдилар илиқ, арабий.**
**Бир осмон тўлдириб келди кўксимни,**
**Ватан қолар экан, Ватан абадий.**

**Не зотлар ўтдилар Ватандин айро,**
**Севинчи савдою соғинчи саҳро.**
**Кўксимни тўлдириб келди бир дарё,**
**Ватан қолар экан, Ватан абадий.**

**Бобо қирлардаги бир хас ё тикан,**
**Шу ҳам кимларгадир зўр армон экан.**
**Кўп экан зар топиб, зор бўлиб юрган,**
**Ватан қолар экан, Ватан абадий.**

**Ким ахир бу даҳри дундан ўтмагай?**
**Ким ахир бир куни асо тутмагай?**
**Тандан жон кетар, лек Ватан кетмагай,**
**Ватан қолар экан, Ватан абадий.**

**Ҳар тепа, ҳар дўнглик турбат эмасдир,**
**Ҳар қандай айрилиқ ғурбат эмасдир.**
**Юртдан кетган ҳар зот Фурқат эмасдир,**
**Ватан қолар экан, Ватан абадий.**

**Олмон тупроғида бир немис аёл,**
**Кўзда ёш, ўзбекча айлади савол.**
**Халқим, нону тузинг ҳамиша ҳалол,**
**Ватан қолар экан, Ватан абадий.**

**Ҳар кекса, ҳар ёшнинг заҳматларида,**
**Азим чинорларнинг ҳикматларида,**
**Ҳазрат Яссавийнинг хилқатларида**
**Ватан қолар экан, Ватан абадий.**

**Айб эмас аввалий ва ё сониймиз,**
**Агарчи инсонмиз вале фониймиз.**
**Барчамиз ушбу кун Туркистониймиз,**
**Ватан қолар экан, Ватан абадий.**

**Аста барг тўкмоқда зарҳал оғочлар,**
**Умр гўё тўлар божу хирожлар.**
**Келиб кетар экан қанча Сирожлар,**
**Ватан қолар экан, Ватан абадий.**

3

# «ЭМАС ОСОН БУ МАЙДОН ИЧРА ТУРМОҚ...»

Давоми, бошланиши 1-саҳифада

Ўтган қисқа беш йил давомида рўй берган энг инқилобий ўзгариш бу – халқимизнинг тафаккуридаги эврилиш сабаб, Ўзбекистон халқаро майдонда дунёга очиқ, сўз эркинлигига эга, дунё минбарида ўз айтар сўзи, қадр-қиммати баланд, жаҳон ҳамжамияти юксак эътироф этган халқпарвар, демократик давлатга айланганида деб ўйлайман. Шу даврда Ўзбекистон Президентининг БМТ минбарида туриб айтган таклифларидан тўрттаси БМТнинг резолюциясига киритилди. Давлатимиз раҳбарининг саъй-ҳаракати, ташаббуси билан дунё аҳолисининг катта қисми яшайдиган Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги қадимий ришталар, дўстлик, маданий, иқтисодий, савдо соҳасидаги алоқалар тикланди ва мустаҳкамланмоқда.

Халқни оғир пандемия шароитида камбағалликдан олиб чиқиш, ижтимоий муҳофаза қилиш, муносиб турмуш шароити, иш ўринлари яратиш, ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиш борасида суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилган адолатли ислоҳотлар самараси турмуш тарзимизда яққол намоён бўлмоқда. Бу буюк ўзгаришларнинг ҳар бир шаҳар, қишлоқдаги ифодасини мен Бағдод туманининг энг чекка қишлоғи, бугун қишлоқ дейишга тилинг ҳам бормайдиган, эртакнамо, янгича яшаш учун барча қулайликларга эга “Гулистон” шаҳарчаси тимсолида айтгим келади. Чўл ҳудудида олти ой давомида қурилган 61 та кўп қаватли уй, санъат саройи, мўъжизакор мактаб, боғча, савдо-маиший объектлар ҳайратингизни оширади. Қаранг, шу кунгача туманда 35та кўп қаватли уй бўлиб, уларнинг атиги 31тасигина икки қаватли уйлар экан. Бу осмонўпар, муҳташам бинолар халқимизнинг осмонўпар орзу-мақсадларига эш, ҳамоҳанг. Шаҳарчага туташган Жаҳон банки томонидан имтиёзли шартларда молиялаштирилган юзта ўн сотихли иссиқхона кам даромадли, қийналган шаҳарликларнинг даромад топишлари, муносиб ҳаёт кечиришлари учун қулай имконият. Президентимиз дастурида келгуси йилдан мамлакатимизнинг қатор шаҳар, туманларида “Йўлдош шаҳарча” бунёд этиш устувор вазифа этиб белгиланган. Шу билан бирга, Фарғона шаҳрида 300 гектар майдонда 40 минг аҳолига мўлжалланган замонавий “Эко шаҳар”, 25-қаватгача бўлган уйлар, ижтимоий инфратузилма объектлари, 70 гектар майдонда “Янги Ўзбекистон боғи” барпо этиш каби муаззам режалар бор.

Давлатимиз раҳбари сайловолди учрашувлар жараёнида Бағдод туманидаги ана шу янги шаҳарчага, иссиқхонага ташриф буюрди. Учрашув жараёнида иссиқхонада помидор, бодринг етиштираётган Раънохон Қосимова ва унинг ўғли Отабек Мамазияев билан суҳбатлашди. Илгари туманнинг “Чек Мирзабод” қишлоғида яшаган, “Темир” дафтарга тушган бу оиланинг аёли турмуш ўртоғи вафот этгач, беш ва икки ёшли ўғли билан бева қолган, кўчадаги қора меҳнат билан фарзандларини вояга етказган, оғир ҳаёт кечирган. Шундай иссиқхона соҳиби бўламан деб етти ухлаб тушига кирмаган. Президентимиз суҳбат жараёнида Отабекнинг орзулари билан қизиқди. Қайси олийгоҳга ҳужжат топширганини сўради.

— Рости, мактабни аъло баҳоларга тугатдим. Олам-жаҳон орзуларим бор. Лекин ҳозир ўқишга шароитим йўқ. Онамни, укаларимнинг ягона боқувчисиман, — деб Отабек маҳзунлик билан ерга қаради.

Президентимиз Отабекни оталарча меҳр билан қучди. Ташвиш тортмаслигини, эртадан бошлаб ўзини талаба деб ҳисоблаши мумкинлигини айтди. Отабекнинг, онасининг қувончдан кўзлари порлади. Бугун Отабек Фарғонадаги Корея халқаро университетининг машинасозлик ва муҳандислик йўналиши талабаси. Дарсдан кейин иссиқхонада онасига ёрдам бераркан, орзулари янаям юксак-юксакларга парвоз қилаётганини юрак-юракдан ҳис этади.

Мамлакатимизда Отабекка ўхшаган, “Темир дафтар”га, “Ёшлар дафтар”ига киритилган ёшлар, кам таъминланган оилалар фарзандлари учун илгари ҳеч қачон бўлмаган имкониятлар яратилди. Контракт шартномаси асосида ўқиётган талабаларнинг тўлови биринчи йили давлат томонидан тўлаб берилмоқда. Шароити оғир оилалардаги икки минг нафар қиз учун Президент гранти ажратилди. Биргина сўхлик ёшлар учун бешта таълим гранти ажратилгани кадрлар муаммоси ғоят тақчил бўлган ҳудуд учун истиқбол эшикларини очиши шак-шубҳасиз.

Хориждаги олийгоҳлардан бирининг пештоқига: “Қайсидир давлатни босиб олиш учун атом бомбаси ташлаш шарт эмас. Таълимни барбод қилишнинг ўзи етарли. Ёки таълимга қамров тўққиз фоизни ташкил этарди. Бугун олийгоҳлар сони ўн иккитага етди, бу кўрсаткични кейинги беш йилда яна бештага кўпайтириш, қамровни олтмиш фоизга етказиш, вилоятда яна юз минг ўринли мактаблар қуриш Президентимизнинг янги Ўзбекистон стратегиясидан ўрин олган.

Бугунги озод кунларимизни орзу қилган, жон олиб-жон берган, қатағон қилинган азиз боболаримиз руҳини шод этиш борасида қилинган ишлар, айниқса, улкан аҳамиятга молик. Ўтган қисқа даврда жадид боболаримизнинг хотираси улуғланди, кўплаб шаҳид аждодларимиз оқланди. Булар халқимизнинг эртанги ёруғ келажаги учун қилинган, улуғ йўлда маънавий, руҳий, миллий тикланишимиз, суянишимиз, юксалишимиз учун қилинган инқилобий ишлардир.

Фарғонадаги сайловолди учрашувда қилган маърузаларида давлатимиз раҳбари яна адабиётимиз, санъатимиз дарғаларининг руҳларини шод қилиш учун ўзининг улуғвор мақсад ва режаларини баён қилди: “Сизларга маълумки, форс, араб, рус, ҳинд, хитой тилларини пухта эгаллаган Фурқат дунёнинг кўплаб мамлакатларида бўлиб, жаҳон илм-фани ва цивилизациясининг илғор ютуқлари билан яқиндан танишган ва Туркистон халқига уларни кенг тарғиб этган. Фурқат – Фарғона жадидларининг маънавий отаси бўлган десак, ўйлайманки, янглишмаган бўламиз. Бетакрор шоир, миллатпарвар, халқимизни бир умр маърифатга, тараққиётга, ёруғ келажакка чорлаб ўтган шахс — Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқатнинг эл-юртимиз олдидаги буюк хизматларини инобатга олиб, унинг ижодини янада кенг оммалаштирсак, жумладан, Қўқон шаҳри марказидаги Фурқат боғида шоирнинг ҳайкалини ўрнатсак, ўйлайманки, бу ишимиз ҳар томонлама катта аҳамиятга эга бўлади”.

Шу билан бир қаторда Президентимиз юртимизда илк бор “Ўзбек тили” дарслигини яратган атоқли олим, журналист ва таржимон, жамоат арбоби, 1937 йилда “Халқ душмани” сифатида қатағон қурбони бўлган Ашурали Зоҳирийнинг хотирасини муносиб қадрлаш, номини абадийлаштириш масаласини кун тартибига қўйди. Шунингдек, Юртбошимизнинг Фарғона заминидан етишиб чиққан улуғ санъаткорларнинг номларини абадийлаштириш мақсадида Марғилон шаҳридаги “Ижодкорлар боғи” ҳудудида уларнинг бюстларини ўрнатиб, “Санъаткорлар хиёбони”ни барпо этиш ҳақидаги эзгу мақсадлари бу адабиётимизгагина эмас, халқимизга бўлган чексиз муҳаббати ифодасидир.

Мен Президентимизнинг ишончли вакили сифатида вилоятимизнинг энг чекка ҳудудларида бўлдим, одамлар билан суҳбатлашдим. Суҳбатлар жараёнида энг кўп қувонтиргани, ҳайратга солгани халқимизнинг эртанги келажагига ишончи, ватанпарварлик ғурури бўлди. Айниқса, ҳурматли Президентимиз сайловда қайта сайланган куни юртдошларимнинг ғалаба билан бир-бирларини муборакбод этганлари, ватанимизнинг янги саодати ҳақида қайғураётганлари менга фахру ифтихор бағишлади. Сайлов куни Москва шаҳрининг сайлов участкаси олдида минглаб ўзбекистонлик ватандошларимизнинг овоз бериш учун узундан-узун навбатда соатлаб турганликлари Россия оммавий ахборот воситаларининг ҳам ҳайратига сабаб бўлди. Бу олисда туриб ҳам кўнглининг туб-тубида ватан соғинчи, ватанга чексиз муҳаббат, шу муқаддас юртга дахлдорлик, унинг эртаси учун қайғурмакликнинг акс-садосидир.

Сўзимнинг мухтасарида яна ҳазрат Навоийнинг юқоридаги байтлари кўнглимни ёлқинлантиряпти: “Эмас осон бу майдон ичра турмоқ...”.

Эзгулик, адлу инсоф бешигини тебратган юрт ўзининг янги Уйғониш даври, янги Ўзбекистонни бунёд этиш, жаҳон майдонида шараф билан турмоғи учун ҳали қанчадан-қанча довонлар, имтиҳонлардан ўтмоғи муқаррар. Энг муҳими ва қувончлиси, халқимиз юксак довонларни забт этмоқ учун азму шижоат билан, енг шимариб, бел боғлаб турибди. Шундай шарофатли, ёруғ кунлар ватандошларимизга муборак бўлсин!

**Энахон СИДДИҚОВА,**
**сенатор,**
**Ўзбекистон халқ шоири**

## ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ ТАДБИРЛАРИ

Донишманд шоир Асқад Мухтор ҳаётдан, яшашдан мақсад, умр мазмуни ҳақида гап кетганда: “Инсон мангуликка келади асли, Умр унга фақат дебоча. Ўлимдан сўнг бари тугаса, Унда бошламаган маъқул эмасми?”, деб ёзган эди. Мангулигининг муқаддимаси ҳикматларга бой, умрбоқий асарлар муаллифи Шукрулло таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан адиб яшаб ижод этган хонадонга хотира барельефи ўрнатилди.

Маросимда Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари Минҳожиддин Мирзо, Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари Ғайрат Мажид, “Нуроний” жамғармаси раиси ўринбосари Шароф Убайдуллаев Ўзбекистон халқ шоири, “Эл-юрт ҳурмати” ордени соҳиби Шукруллонинг қатағон йилларидаги машаққатли ҳаёт йўли, инсоний фазилатлари ҳамда у қолдирган адабий мерос ҳақида сўз юритишди. Ёдгорлик лавҳаси муаллифи – Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси Тўлаган Тожихўжаев адиб сиймосини яратиш жараёнида эътибор қаратилган энг муҳим жиҳатлар хусусида гапирди.

Тадбир Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида давом этди. “Мангу сургим келар ҳаёт нашъасин” деб номланган хотира кечасида таниқли ижодкорлар, адабиётшунослар, оммавий ахборот воситалари ходимлари, талаба-ёшлар ҳамда адибнинг оила аъзолари қатнашди. Профессорлар Ҳамидулла Болтабоев, Қозоқбой Йўлдошев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Тоҳир Қаҳҳор серқирра ижодкорнинг шеърий тўпламлари, достонлари, романлари хусусида ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар. Шоир шеърларидан намуналар ўқилди.

Тадбир сўнгида адибнинг оила аъзолари Шукрулло ижодига кўрсатилган юксак ҳурмат ва эҳтиром учун миннатдорлик билдиришди. Йиғилганларга адибнинг янги нашр этилган китоблари улашилди.

* * *

Пойтахтимиздаги 110-умумтаълим мактабида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Халқ шоири Сирожиддин Саййид ҳамда уюшма раиси ўринбосари, шоир Ғайрат Мажид билан ижодий учрашув бўлиб ўтди.

– Ўқувчиларнинг бадиий чиқишлари билан бошланган тадбир, – дейди мактаб директори Умида Рашидова, – она тилимизни улуғловчи шеърлар, куй-қўшиқларга уланиб кетди. Ўз навбатида шоирлар ҳам она Ватанни, ёшликни мадҳ этувчи шеърларидан намуналар ўқиб беришди. Ёшларнинг адабиётга, ижодга қизиқишларини оширишда бундай тадбирларнинг ўрни беқиёс.

Самимий мулоқот руҳида ўтган учрашув мушоирага айланиб кетди. Мактаб кутубхонасига икки юздан ортиқ бадиий китоб совға қилинди.

* * *

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги 84-умумтаълим мактабида бўлиб ўтган "Тил – миллат кўзгуси" мавзусидаги адабий тадбирда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, Қорақалпоғистон халқ шоири Рустам Мусурмон иштирок этиб, она тилимиз ва адабиётимиз ривожига қаратилаётган эътибор ҳамда унинг халқаро миқёсда ўрганилиши бўйича амалга оширилаётган ишлар, ҳозирги адабий жараёндаги янгиланишлар ҳақида гапирди. Мактаб директорининг ўринбосари Раъно Ғафурова, она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Нилуфар Нуритдинова ёшларнинг баркамол шахс ва етук мутахассис бўлиб етишувида, фикри теран, билими ва нутқи бой бўлишида ўзбек тили ва адабиётининг аҳамияти ҳақида гапирдилар.

**Моҳирабону РАВШАНОВА,**
**Шайхонтоҳур туманидаги**
**84-мактаб ўқувчиси**



# АДАБИЁТ МАКТАБЛАРДА УЛҒАЯДИ

Ўзбек тилининг имкониятлари кенглиги, унинг бойлиги, жозибадорлиги ҳақида ҳар қанча гапирсак, шунча оз. Ёшлар онгида ватанпарварликни мустаҳкамлаш, аввало, ўз она тилига ҳурмат кўрсатишдан бошланади. Айниқса, 2019 йилда Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг 30 йиллигига бағишланган тантанали




маросимлар Ўзбек тилининг мавқеи баландлигини кўрсатди. Тилимиз равнақи йўлида давлатимиз томонидан амалга оширилаётган ишлар моҳиятида чин ватанпарварликни, халқпарварликни кўриш мумкин.

Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги 260-мактабда “Ўзбек тили” фан ойлиги доирасида тадбир ташкил этилди. Дастлаб мактабнинг она тили ва адабиёти фани ўқитувчилари турли саҳна чиқишларини намойиш этишди. Улар ижро этган халқ оғзаки ижоди намуналари бўлмиш лапарлар, “Келинлар қўзғолони” саҳна асаридан парчалар иштирокчиларнинг кайфиятини кўтарди. Бир сўз билан айтганда, ўқитувчиларимиз фан ойлигида ўз фаолликларини намоён этишди.

Тадбирда “Саодат” журнали бош муҳаррири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, шоира Мунаввара Усмонова, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир Шоди Отамурод Ватан, она тили ҳақидаги шеърларини ўқиб беришди.

**Муҳайё САИДОВА,**
**Юнусобод туманидаги**
**260-мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси**

# МИЛЛИЙ ЭСТРАДА САНЪАТИМИЗ УЧУН МУНОСИБ ТУҲФА

Давоми, бошланиши 1-саҳифада

Шу ўринда янги институтнинг ташкилий-тузилмавий моҳиятига тўхталсак. Институт давлат олий таълим муассасаси ҳисобланади ва Ўзбекистон давлат консерваторияси таркибида фаолият кўрсатади. Институтда ўқув жараёни 2021—2022 ўқув йилидан бошланиб, таълим давлат гранти ҳамда тўлов-контракт асосида амалга оширилади.

Институт битирувчиларига таълим тўғрисидаги ҳужжат сифатида тан олинган давлат намунасидаги диплом берилади. Институт профессор-ўқитувчилари ва концертмейстерларига Маданият вазирлиги тизимида узоқ муддат хизмат қилганлиги учун ҳар ойлик тақдирлаш пули (устама) татбиқ этилиши таълим сифатини таъминлашга хизмат қилади.

2021—2022 ўқув йилидан бошлаб институтнинг илмий-педагогик кадрлари таркибини олий таълим ва илмий ташкилотларда ҳамда Маданият вазирлиги тизимида фаолият юритаётган, жумладан, хорижий ўқув ва илмий масканларда малака ошириб келган профессор-ўқитувчилар ва илмий ходимлар, шунингдек, соҳадаги салоҳиятли амалиётчи мутахассислар орасидан шакллантириш белгиланган. Қолаверса, мамлакатимиздаги болалар мусиқа ва санъат мактаблари, мактаб-интернатлар ҳамда маданият, мусиқа ва санъат коллежларига институтнинг етакчи профессор-ўқитувчилари ҳамда юртимизда ижод қилиб келаётган таниқли эстрада ижодкорларини бириктириш орқали маҳорат дарсларини йўлга қўйиш белгиланган.

Эстрада санъати йўналишига қадам қўяётган ҳар бир ёш санъаткор Ботир Зокиров ижодини мукаммал ўрганиши, бу жараёнда устоз санъаткорнинг шахсига ҳам мурожаат қилиши керак. Чунки Ботир Зокировнинг ҳаёт йўлидан ибрат оладиган жиҳатлар жуда кўп. У Мутал Бурҳонов, Икром Акбаров, Манас Левиев, Энмарк Солиҳов каби етук композиторлар ва қўшиқчи шоирлар билан ҳамкорликда ҳақиқий, умрбоқий эстрада қўшиқларини мерос қолдирди.

Ботир Зокиров ўз касбига жуда талабчан инсон эди. У қўшиқни аввал ҳис этган, матнни англашга ҳаракат қилган, уни маромига етказиш йўлида жуда кўп ишлаган, изланган, маъносиз асар яратишдан чўчиган.

Айтиш жоизки, Ботир Зокиров ўзбек миллий эстрада санъатини дунёга танитган, ўз даврида мега-юлдуз даражасида машҳур бўлган. Шунинг учун ҳам институтда Ботир Зокиров хотирасига бағишланган ёдгорлик мажмуаси ва музей, ўзбек миллий эстрадаси намояндаларининг "Устоз-шогирд" ижрочилик мактаблари, замонавий ижодий студиялар ва ахборот-ресурс марказлари ташкил қилинаётгани бизни мамнун этмоқда.

**ЎзА**

Давоми, бошланиши 1-саҳифада

Улар, асосан, аҳолининг турмуш тарзини яхшилаш, одамларга қулайлик яратиш ва етарли даражада ижтимоий ҳимоя қилиш, маънавиятни юксалтириш йўлидаги амалий ишларнинг самараси ўлароқ шаклланган бирликлардир. Маълумки, Ал-Фарғоний, Ал-Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Форобий, Замахшарий каби дунё тамаддуни бешигини тебратган олиму уламолар ўша

# МУЖАССАМ МАЪНОЛАР

даврнинг илм-фан тили бўлган араб тилида, ўтган асрда яшаб ижод қилган Зарифа Саидносирова, Ҳабиб Абдуллаев, Ҳоди Зариф, Иброҳим Мўминов, Саъди Сирожиддинов, Восил Қобулов сингари улуғ сиймолар, асосан, рус тилида ижод қилганлар. Бугунги кунга келиб дунё глобаллашуви даври олимларимизга ўз тадқиқотларини инглиз тилида амалга ошириш заруратини кун тартибига чиқармоқда.

Ишонамизки, нафақат мамлакатимизда, хорижий давлатлар томонидан ҳам она тилимизга юксак ҳурмат-эътибор кўрсатилаётгани яқин келажакда мукаммал ўзбек илмий тили дунёнинг илмий тиллари орасида бўй кўрсатишига мустаҳкам замин яратади.

**Дилшодбек ҲАКИМОВ**

**Сирожиддин САЙИД,**
**Ўзбекистон халқ шоири**

# ВАТАН ҚОЛАР ЭКАН, ВАТАН АБАДИЙ

## ВАТАННИ АНГЛАШ

Шабнам-шабнам тонгларда
жайронларга айланган,
Онанг сувлар сепганда
райҳонларга айланган,
Бир кечада соғинчинг
осмонларга айланган,
Соғинчларингдай зангор
осмонлари Ватандир.

Дерлар ҳусну малоҳат
вафо қилмас, арир у.
Сен ёр десанг, тушдаги
Лайлоларга арзир у,
Ҳариридан ҳам ҳариру
паридан ҳам парирў,
Сойларга соя солган
мижгонлари Ватандир.

Бешикларда ўйнаган
оппоқ-оппоқ қўлчалар,
Кўзмунчоққа сўйлаган
кўзмунчоқдай кўзчалар,
Очилган гул-ғунчалар,
қанду асал кулчалар,
Момоларинг тўй қилган
айвонлари Ватандир.

Отанг солган уйлар бу —
синчлари — бардошларга,
Токлари ўхшаб кетар
мўйсафид элдошларга,
Томлар узра чўзилиб
кўклар, ой, қуёшларга
Узум узатиб турган
нарвонлари Ватандир.

Бир йигитга оламда
ҳам ёру ҳам ор керак,
Номуси баланд эрга
на сўз, на гуфтор керак,
Фарзандлари улғайса
шерюрак, арслонюрак,
Элнинг ҳар они, давру
давронлари Ватандир.

Оллоҳ ўзи буғдойинг —
тиллоларга еткизгай,
Қабоғингнинг остидан
балоларни кеткизгай.
Оқсарою Кўксарой
дунёларга еткизгай,
Ор-номусдан яралган
қўрғонлари Ватандир.

## БУЮК МУАЛЛИМ

Мен Ватанни ўрганмадим заридан,
Ўрганмадим уни ҳур ё паридан.
Кафтларининг чизиқлари – хати ҳам
Ажинлари бўлди менинг харитам.
Шу хатларда кўргандим илк Ватанни,
Ўз онамдан ўргандим мен Ватанни.

Меҳрлари қошу кўзлар бўлдилар,
Ою қуёш мисол юзлар бўлдилар.
Жисмим аро улғайдилар, тўлдилар,
Ватан янглиғ улуғ сўзлар бўлдилар.
Киприкларин остларида тургандим,
Мен Ватанни шу кўзлардан ўргандим.

Нокаслардан ўрганмадим мен уни,
Ёт каслардан ўрганмадим мен уни.
Ору қарздан ўргангандим мен уни,
Хору хасдан ўргангандим мен уни.
Ўзим кийик сўқмоғида юргандим,
Мен Ватанни сўқмоқлардан ўргандим.

Осмонлари бошим узра огоҳлар,
Гиёҳидан дилга олдим гиёҳлар,
Райҳонларин сиёҳидан сиёҳлар,
Булоқлардан кўзлар олдим, нигоҳлар.
Ўзим ҳам бир чечакларга буркандим,
Мен Ватанни гиёҳлардан ўргандим.

Менга азал азиз бўлган баридан,
Бешигимдан талпинган пайтларимдан,
Умр кўрган ҳар кексаю қаридан,
Меҳнатларин ёдлаб ўсдим бағридан.
Пайкалларин кокиллардай ўргандим,
Мен Ватанни эгатлардан ўргандим.

Ушоқ нонинг қадри минг элга маълум,
Дарс олдим мен сувлар ичган маҳалим.
Булбулларинг тилларида шу таълим,
Ўзинг устоз, ўзинг буюк муаллим.
Ҳикматлардан қургандим мен Ватанни,
Заҳматлардан ўргандим мен Ватанни.

## ТЎРТ СЎЗ

“Нега ерга қарайсан, Раъно?”
Бу сўзларда минг йиллик маъно.
Соф муҳаббат, покиза сиймо,
Нега ерга қарайсан, Раъно?

Ерга тегиб турган киприклар,
Иффат экиб турган киприклар,
Қодирийнинг армоними ё,
Нега ерга қарайсан, Раъно?

Назокатми, нозми, хижолат,
Малоҳат ё тилсиз ибодат?
Ўнг келмоқдан чўчиган рўё,
Нега ерга қарайсан, Раъно?

Сен – беозор, ҳуркак бир кийик,
Елканг узра рашк, риё кийиб,
Тишин қайрар жодугар дунё,
Нега ерга қарайсан, Раъно?

Армон қилар кейин бир миллат,
Сен – бир ибрат, гўзал бир миннат.
Минг йил шундоқ қолурсан танҳо,
Нега ерга қарайсан, Раъно?

Нега ерга қарайсан, Раъно,
Ишқ, вафонинг сўлмас баҳори?
Сен – ҳаёнинг мангу ёдгори,
Нега ерга қарайсан, Раъно?

## ШАМ

*Шафоат Раҳматулло Термизийга*

Менинг муҳаббатим – тупроғимдадир,
Тупроқ кўчмас бўлур, мен ҳам кўчмайман.
Бир жуфт қалдирғочим қарағимдадир,
Улар учиб юрар, мен-чи, учмайман.

Асли мушкул ишга мен кўнгил қўйдим,
Умримни гоҳ хаёл, гоҳ тушга йўйдим.
Сўз ичра кўкариб, сўз ичра куйдим,
Ўздан кечдим, лекин сўздан кечмайман.

Ёшлик – ўтди кетди – ул оппоқ тулпор,
Ундан қирлар аро қолмиш оқ ғубор.
Юзларинг лолага ўхшарди, эй ёр,
Гулгун шаробингдан энди ичмайман.

Гарчи хасдан баланд, касдан камдирман,
Дўстим, сенга ёндош қувонч, ғамдирман.
Термизий бободан қолган шамдирман,
Минг йил пуфласанг ҳам асло ўчмайман.

## ЗИЁРАТ

Ҳазрати Хизрдай оппоқ булутлар
Нигоҳбоним, диёр, кундуз ҳам тунда.
Бу тупроқда ўтган барча улуғлар
Азиз тупроқ бўлиб ястанмиш шунда.

Авайлаб сўйлатсанг хазон баргини,
Етти иқлимларга ривоят бергай.
Дил кўзига суртсанг тупроқ гардини
Юз минг дил аҳлидан ҳикоят бергай.

Гарчи фалак чархи мақбаралардан
Нақшлар кеткизган, ранглар кеткизган.
Кўнгли ҳам, жисми ҳам садпоралардан
Занги оталари занглар кеткизган.

Минг йиллик каломлар тўкилар тунда
Чинор шохларидан – чироқ қўйгандай.
Энг етук шеърнинг ҳам туюлар шунда
Онангнинг юзига оёқ қўйгандай.

## СОМОНЧИЛАР

*Ажабмас, эрта кун бир шоир укам,*
*Шеърлар ёзиб юрса Сомон йўлида.*
**Абдулла Орипов**

Устозлар Сўзда ҳам хокисор қулдек,
Тупроқдан излашган армонларини.
Бизлар ўзимизча забт этиб бўлдик,
Чангитиб шеърият осмонларини.

Сомон йўлларида юрибмиз, мана
Фалак буржларидан иржаймоқдамиз.
Кўкда Зуҳродан ҳам сўраб кўрмана,
Гоҳ ҳиринглаб, гоҳо тиржаймоқдамиз.

Тўлин ой агарчи бизга чой дамлаб,
Булутни тўшакка айлантиролдик.
Бизлар бир ҳолатда кетдик баландлаб:
Биз сўзни хашакка айлантиролдик.

Тупроққа қорганлар дил хирмонини,
Ердан олгандирлар шеърга ҳам ихлос.
Устозлар йиққанлар Сўзнинг донини,
Бизлар сомон ташиб юрибмиз, холос.

## «КЎЗУНГ НЕ БАЛО...»

*Мир Алишер Навоий*
*ғазалига мухаммас*

Ким қошингга мубтало бўлубтур –
Ул икки қилич аро бўлубтур,
Дил ичра ики яро бўлубтур,
Кўзунг не бало қаро бўлубтур,
Ким жонға қаро бало бўлубтур.

Гулгун чаманимни зард қилди,
Жисмимни ғубору гард қилди.
Ўлдурдию ҳам мадад қилди,
Мажмуъи давони дард қилди,
Дардингки, манга даво бўлубтур.

Ранж чеккилу эшигида уз жон,
Дил жомини тўлдириб суз жон.
Жисм уйида қайтадин туз жон,
Ишқ ичра анинг фидоси юз жон,
Ҳар жонки, санга фидо бўлубтур.

Тирноғи қизилму ё хинодин,
Қон тўкдиму ёки қоши “ё”дин?
Фарқ қилмас эмиш подшодин,
Бегона бўлубтур ошнодин,
Бегонаға ошно бўлубтур.

Зулфингни майин сабоси, жоним,
Бир толасига баҳоси – жоним.
Сенсен бу умр сафоси, жоним,
То қилди юзунг ҳавоси жоним,
Юз сори анга ҳаво бўлубтур.

Боғингдаги гулки бўлди фоний,
Қолган бари, билки, бўлди фоний,
Бу йўлда у дилки бўлди фоний,
Боқий топар улки бўлди фоний,
Раҳравга бақо фано бўлубтур.

Умрим ҳамаси ҳикояти ишқ,
Ҳам нолаю ҳам шикояти ишқ.
Мангу тугамас ривояти ишқ,
То тузди Навоий ояти ишқ,
Ишқ аҳли аро наво бўлубтур.

## СОВҒА

Дунёнинг ярмиси — нур ва зиёдан,
Ярми — ёзув-чизув, ярмиси — ғавғо.
Қалам келтирдингиз Ёпониёдан,
Дедингиз: Бу мендан сизларга совға.

Олам мусофирлар билан бедордир,
Сайёҳлар ичра ҳам сиз мулло, ака.
Дунёнинг энг гўзал қисми дийдордир,
Дийдор қутлуғ бўлсин, Абдулло ака!

Бундай пайт кўргали дўсту ёрон ҳам
Ўғиллари келгай, қизлари келгай.
Сиздан, қучоқ очиб пешвоз олган дам,
Япон ёмғирларин ислари келгай.

Биз-чи, биз қаламни чўнтакка урдик,
Гўё бўй қўшилди қад, бўйимизга.
Олис эллар ҳақда суҳбатлар қурдик,
Сўнгра тарқаб кетдик уй-уйимизга.

Шоирлик нимадир?
Дард билан ҳижрон.
Қалам ҳам бир нени илғаса керак.
Биз ухлаб қолганда, тунлари пинҳон
Билдирмай японча йиғласа керак.

## ТИРИКЛИК МАКТАБИДА

*Онамга*

Тириклик мактабида, Она,
мен Сиздан сабоқ олдим,
Юз олдим юзларингиздан,
кўзу қошу қабоқ олдим.

Жафокаш қўлларингиз
дарс берди меҳнат илмидин,
Улардан ўз дилимга
бир умрлик иштиёқ олдим.

Танидим ранжу заҳмат
ҳарфларини кафтларингиздан,
Шу кафтларнинг қадоғидан
кўзимга нур, қароғ олдим.

Юзингизда ажинлар
йилларингиздан ариқлардир,
Алардин шеърларимга
қанчалар вазну туроқ олдим.

Юзингиз узра ҳаргиз
тинмади ёмғирлару селлар,
Алардин сел бўлмоқ
дарсини олдим, узоқ олдим.

Ажиб чоғлар эди –
ўчоғингизда лоларанг чўғлар,
Ҳаётимга шулардин
лоларанг меҳру маёқ олдим.

Кўнгил кўйида йилларки
юриб кўнгилга етмасман,
Кўринг, кўнглимни Сиздан
бунчалар ҳам мен йироқ олдим.
Надир рўзғор ила дўст-ёр?
Надир ишқу жунуним ҳам?



Шулардин бир умрга
етгулик васлу фироқ олдим.

Сирож деб ном берибсиз,
юз босай мен изларингизга,
Ки ҳар босган изингиздан
дилимга бир чироқ олдим.

## ТЕРМИЗИЙГА ТАЗМИН

*Рўзе ки ду чашми ман намегиряд,*
*Дар шаҳр ягон осиё намегардад*[1].
**Адиб Собир Термизий**

Бу дунёда не замонлар,
не давронлар айланмайди,
Бири келса, бири кетар —
не карвонлар айланмайди.
Тирикликнинг қиссалари,
навбатлидир косалари,
Косалари айланади,
бу хуш онлар айланмайди.
Тўхтаб қолгандайин бўлур
Замин гоҳо айланмоқдан,
Бошинг узра тўққиз фалак,
кенг осмонлар айланмайди.
Баланд-баланд тоғлар узра
бургут, сорлар парвоз айлар,
Билгил, юксак чўққиларда
нотавонлар айланмайди.
Эврилса-да минг йил қуёш,
кўнгил йўли бойланмайди,
Дўсту ёрлар кетиб борар,
меҳрибонлар айланмайди.
Сомон бўлмоқ дарсин олур
кўрса мени дашту гиёҳ,
Мен айланган хазонларга
заъфаронлар айланмайди.
Менинг тўккан кўзёшларим
қўш тегирмон сувича бор,
Йиғламасам — бу шаҳарда
тегирмонлар айланмайди.

## ЯНГИ ҲАЁТ

Тонг ели ром этади,
Тамшанар дил – ташнангиз.
Ҳаёт давом этади,
Янги ҳаёт бошлангиз.

Ҳаётбахш шабнамларга
Қараб кўзни ёшлангиз.
Майсалардан ранг олиб
Янги ҳаёт бошлангиз.

Тақдир сўқмоқларида
Ейилмиш дил, пошнангиз.
Янги чориқ кийингу
Янги ҳаёт бошлангиз.

Ташлаб кетмиш сизни ҳам
Қанча ёру ошнангиз.
Мард дўстлар келар ҳали,
Янги ҳаёт бошлангиз.

Майли гоҳи бош қашиб,
Кўнгилни гоҳ ғашлангиз.
Иккиланманг ҳеч қачон,
Янги ҳаёт бошлангиз.

Ҳали бари олдинда,
Оғир бўлинг, шошмангиз.
Янги китоб олингу
Янги ҳаёт бошлангиз.

Ўзингизга ўзингиз
Ҳаёт-мамот бошлангиз –
Ўзингиздан воз кечиб,
Янги ҳаёт бошлангиз.

Эски ҳаётингизга
Бир пас назар ташлангиз,
Ўрнингиздан турингу
Янги ҳаёт бошлангиз.

Отаёдгор ёнғоқлар
Билан тенгдир ёшингиз.
Янги кўчат ўтқазиб,
Янги ҳаёт бошлангиз.

Эски тўндай ғамларни
Тандан ечиб ташлангиз.
Янги оқ кўйлак кийиб,
Янги ҳаёт бошлангиз.

Ҳамма нарса топилар
Омон бўлса бошингиз.
Янги ниятлар билан
Янги ҳаёт бошлангиз.

Тонгларни шом этади
Вақт – мангу подшонгиз.
Ҳаёт давом этади,
Янги ҳаёт бошлангиз.

## ХАЛҚ ОВОЗИ

Халқ овози – Ҳақ овозидир,
Ҳақ овози – Халқ овозидир.
Халқ ризоси буюк бахт эрур,
Халқ розидир – Ҳақ ҳам розидир.

Тингламасди олдин замонлар,
Келди очиқ-ойдин замонлар.
Тили боғлиқ мардум халқ эмас,
Дили доғлиқ мардум халқ эмас.
Халқ олдинги мавҳум халқ эмас,
Ва ё муте маҳкум халқ эмас.

Халқ овози – Ҳақ овозидир,
Ҳақ овози – Халқ овозидир.
Халқ ризоси буюк бахт эрур,
Халқ розидир – Ҳақ ҳам розидир.

Уч минг йиллик тарихинг пойдор,
Уч минг йиллик оғриғинг ҳам бор.
Эртакмас бу ва ё ҳангома,
Ҳар айтганинг – буюк жангнома.
Халқ олдинги мавҳум халқ эмас,
Боши эгик, мазлум халқ эмас.

Халқ овози – Ҳақ овозидир,
Ҳақ овози – Халқ овозидир.
Халқ ризоси буюк бахт эрур,
Халқ розидир – Ҳақ ҳам розидир.

Қаддинг кўтар, дунёга кенг боқ,
Ҳар мулку ҳар маъвога тенг боқ.
Не элатлар хор-зор дунёда,
Хору зор ҳам ночор дунёда –
Давлатинг бор – шавкатинг пойдор,
Шавкатинг бор – давлатинг пойдор.

Халқ овози – Ҳақ овозидир,
Ҳақ овози – Халқ овозидир.
Халқ ризоси буюк бахт эрур,
Халқ розидир – Ҳақ ҳам розидир.

Юрт отаси – халқ орасида,
Ҳар кўнгил, ҳар қалб орасида –
Халқ ҳолидан, ё Қодир Оллоҳ,
Ўзи кезиб бўларкан огоҳ,
Эл кўнглида савол бўлмагай,
Бундай элда завол бўлмагай.

Халқ овози – Ҳақ овозидир,
Ҳақ овози – Халқ овозидир.
Халқ ризоси буюк бахт эрур,
Халқ розидир – Ҳақ ҳам розидир.

Ота-она ризосидай бу,
Келажакнинг имзосидай бу.
Миng йилларнинг орзу-хаёли –
Элу юртнинг кўрку жамоли.
Келажакка тилхатларидир,
Давру замон дастхатларидир.

Халқ овози – Ҳақ овозидир,
Ҳақ овози – Халқ овозидир.
Халқ ризоси буюк бахт эрур,
Халқ розидир – Ҳақ ҳам розидир.

Юрт отаси – халқ орасида,
Ҳар кўнгил, ҳар қалб орасида –
Халқ ҳолидан, ё Қодир Оллоҳ,
Ўзи кезиб бўларкан огоҳ,
Эл кўнглида савол бўлмагай,
Бундай элда завол бўлмагай.

Халқ овози – Ҳақ овозидир,
Ҳақ овози – Халқ овозидир.
Халқ ризоси буюк бахт эрур,
Халқ розидир – Ҳақ ҳам розидир.

Ота-она ризосидай бу,
Келажакнинг имзосидай бу.
Минг йилларнинг орзу-хаёли –
Элу юртнинг кўрку жамоли.
Келажакка тилхатларидир,
Давру замон дастхатларидир.

Халқ овози – Ҳақ овозидир,
Ҳақ овози – Халқ овозидир.
Халқ ризоси буюк бахт эрур,
Халқ розидир – Ҳақ ҳам розидир.

[1] *(Форс.) Мазмуни: Менинг икки кўзим йиғламаган кун шаҳарда бирор тегирмон ҳам айланмайди.*

**Инсон ва табиат ёндош олам. Табиатда ҳар неки бор, худди сизу менга ўхшаб тирик. Унинг ҳам яратилишидан мақсад-муддао бор. Қуёшнинг вазифаси нур сочиш, ойники ёруғлик таратиш, тупроқники ризқ улашиш, сувники эса барча-барчанинг чанқоғини қондириш.**




# ОДДИЙ ОДАМЛАР ОЛАМИ

Одамлар бир-бирларидан нимадир кутади. Ўша нимангдир номи меҳр, муҳаббат, соғинч, оқибат, дарддошлик…

Ёзувчи Сойим Исҳоқнинг «Вафодор» қиссасини ўқигач, хаёлимдан ана шундай фикрлар кечди.

Бир яхши тасодиф билан менга адибнинг бир йўла учта китоби: «Кўклам адоғида куз» романи, «Қабрдан чиққан қул» тарихий-саргузашт романининг биринчи китоби ҳамда «Вафодор» қисса ва ҳикоялар тўпламини ўқиш насиб қилди. Очиғи, яқин орада бундай самимий ёзилган китобларни учратмагандим. Анча пайт шу асарлар таъсирида юрдим.

«Қабрдан чиққан қул» романидаги воқеалар XIX асрда, асосан Бухорода бўлиб ўтади. Бу пайтда манғитлар сулоласидан чиққан «қассоб амир» деб ном олган Насруллохон ҳокимият тепасида эди. Нодирабегимдек ўз замонасининг беназир шоирасини ўғли ва невараси билан бирга қатл қилган ҳукмдор сифатида тарихда қолган бу қаттолнинг қилмишлари ўтмишимиздаги қора доғлардан бири бўлиб қолди. Шекспирнинг оламга машҳур «Ҳамлет» трагедиясида Клавдий ўз акасини қулоғига оғу қуйиб ўлдиради ва маликага уйланади. Фитратнинг «Абулфайзхон» трагедиясида аштархонийлар сулоласидан бўлган Абулфайзхон ҳам ўз яқинлари, ҳатто фарзандларини турли йўллар билан йўқ қилади.

Насруллохон ҳам худди ўша золим, қонхўр подшоҳлар каби икки акаси Мирҳусайн ва Умархонни, бирини заҳарлаб, иккинчисини хуфёна қатл эттириб, учта вояга етмаган укасини қопга солиб, Амударёга чўктириб салтанатни қўлга киритган. Унинг қилмишлари Абулфайзхоннинг ёлғиз қолганда ўзига ўзи: “...Ўлдураман, ўлдураман. Дунёда битта душманим қолмагунча қон тўкаман. Улфатнинг сўзи тўғри. Подшоҳлик қон билан суғорилатурғон бир оғочдир”, деган сўзларини тасдиқлайди. Шоир Ҳозиқни ростгўйлиги учун ўлдиртириб юборган ҳам амир Насрулло эди.

Романда давр фожиаси шундай тасвирланади: “Ўзи қолиб, кичик акаси Умарни тахтга чиқарганликлари учун Бухоро зодагонлари ва найман аслзодаларидан шафқатсиз ўч олди: деярли ҳаммасини ҳибсга олдириб, бир ой давомида кунига эллик-юзтасини жаллод қўлига топшириб турди, миноралардан ирғиттирди, отларга судратиб ўлдиртирди. Мол-давлати ва ерларини мусодара қилиб, уй-жойлари ва оиласини черикларига талатди...”. Асар қаҳрамонлари Шунқорбек, Абдуқаюм тўқсабо, Изиддин иноқ, Абдубори, Раҳмонберди Ниёз, валиаҳд Музаффар, Баҳайдод, Сирожиддин парвоначи, Кабир шайтон, Болабой, Жангир, Бахшулла, Тангриқул, Улуғойим, Зуҳра ойим, Ҳулкар бону образларининг ҳар бири ўз “юк”ига эга.

Абдуқаюм тўқсабонинг ўғли Шунқорбек мадраса таълимидан қониқмайди, унинг фикрича, аниқ фанларни ўрганиш зарур, ёлғиз диний билим билан жамиятни тараққий эттириш, халқ турмушини яхшилаш мумкин эмас. Унинг куйиниб айтган сўзларида кейинчалик Аҳмад Дониш, ундан кейин жадидчилик ҳаракати намояндалари томонидан илгари сурилган ғояларнинг илк куртакларини кўриш мумкин. Абдубори эса унга ҳар доим ҳасад кўзи билан қарайди, валиаҳдга яқинлиги учун каттароқ бир мансаб эгаси бўлиб қолишидан чўчийди. Шунқорбекнинг мударрис бўлиш мақсадини эшитган ҳасадгўй “дўст” қувонади.

Унинг назарида, мударрислик паст иш бўлмаса-да, катта бойлик ва шуҳрат келтирмайди. Яшашдан мақсади сохта шон-шуҳрат, ҳашам, маишат, зеру зар ва юқори мансабдан иборат бўлган бундай кишилар жамият учун ўта хавфли. Абдубориннг бундай фикрлашига сабаб оиладаги муҳит, аввало, отаси Изиддин иноқнинг калондимоғлиги, ичи қоралиги, амалга ўчлиги. Ана шу иллатлар қўшилиб ота-болани мудҳиш жиноятга бошлайди.

Шунқорбек образида жамиятга қарши фикрлар очиқ-ойдин айтилмаса-да, унинг дунёқараши замондошларига нисбатан бирмунча олдинда. Абдубори қалбида ҳасаднинг пайдо бўлиши, кундан кунга ортиб бориши ва ниҳоят Ҳиндистондан келтирилган оғу билан Шунқорбекни фалаж қилиши ботинидаги ёвуз кучнинг тўхтовсиз ўсиб боришини кўрсатади.

Асардаги воқеалар табиий бир йўсинда ривожланиб, кенгайиб боради, қаҳрамонлар ўртасидаги конфликтнинг чуқурлашуви ҳам ҳаётий ҳақиқатга мос. Инсон табиатига хос бўлган қирралар вазият тақозосига кўра ҳар бир лавҳада ўзига хос бир жиҳати билан ярқ этиб кўзга ташланган. Бу эса китобнинг қизиқарлилигини янада оширган.

«Кўклам адоғида куз» романи улоқчи полвонлар, уларнинг мард, тантилиги, ор-номус, шаън ва қадр-қимматни ҳар нарсадан устун қўювчи, ҳаётнинг маъносини узоқ умр кўришда эмас, қандай яшашда деб билувчилар ҳақида. Эл ичида афсонага айланган полвонларнинг ҳаёти худди қомусдек, қандай яшаш кераклиги ёзилган сирли, ноёб китобдек гўё. Унда XIX асрнинг охири XX аср бошларидаги тарихимизнинг муҳим бир даври ҳақида ҳикоя қилинган. Давраларда тенглаша оладиган рақиби бўлмаган қаробдоллик Эгамберди полвон, у қарий бошлаган чоғда кўпкари майдонларида инсон матонати, ақл ва ҳаракат бирлашганда унинг қанчалар қудратга тўлишининг бетакрор тимсоли бўлган Саримсоқ полвон умумлашма образ даражасига кўтарилган. Чорак аср давомида кўпкариларда олдига ҳеч бир полвон тушолмаган қаҳрамоннинг умр йўли давр билан, ижтимоий-сиёсий ҳаёт билан боғлиқликда тасвирланган.

Асарда шўро тузуми ва унинг оддий халқ бошига солган мусибат, кўргулик, зулмлари Саримсоқ полвон ва Ҳамиджон ўртасида кечган қисқа суҳбатдагина тилга олинса-да, «халқлар турмаси» бўлган империянинг асл моҳияти воқеалар ривожи билан бирга кенгайиб, чуқурлашиб боради.

Мирзабек сўфи ва омбор мудири очарчилик йилларида одамларни омон сақлаб қолиш учун астойдил жон куйдирашади, охири мажбурликдан уруғлик буғдойнинг бир қисмини халққа тарқатишади ва олий жазога ҳукм қилинади.

«Суд ҳукмини эшитган омбор мудири энтикиб йиғлаб:

– Бировлар учун ўлиб кетадиган бўлдик-да, Мирзабек! – деди овозини баралла қўйиб.

– Банданинг бошида бир ўлим бор, – Мирзабек сўфи уни юпатди. – Нега бировлар учун ўласан?! Биз ўлсак нима бўпти! Ортингда халқ тирик қоляпти-ку, нодон! – деганди».

Мирзабек сўфига ўхшаган одамлар барча замонларда жамият ва халқ учун жуда зарур. Ўз ўлимини хотиржамлик билан, ҳеч бир оғринмай қабул қилиш учун халқни қанчалар сева олишни тасаввур қила оладиганлар қанча? Ҳа, биз ўтмиши тоза, эътиқоди мустаҳкам, амали солиҳ халқмиз. Аммо маърифатсизлигимиз сабабли тилимиз, динимиз, эътиқодимиз, қадриятларимиз оёқ ости бўлди.

Мирзабек сўфининг устидан ёзганлар ҳам аслида бегона эмас, шу халқ орасида, тўю таъзиясида бирга юрганлар эди, ана шу тоифадагилар миллатнинг оёғига тушов, йўлига ғов бўлишди. Қатағон даврида бу ҳол янада авжига чиққан эди.

Тарихий асарни баҳолаётганда бугуннинг нуқтаи назаридан эмас, ўша давр, муҳит, дунёқараш, сиёсий вазиятдан келиб чиқиш керак. Ёзувчи Ҳамиджон образи орқали тарихий ҳақиқат ва бадиий тўқимани маҳорат билан уйғунлаштира олган. Бу, албатта, даврни ҳис қила олган ёзувчининг инсон психологиясини ҳам яхши билишидан далолат беради.

Инсон тирик экан, меҳрга, озгина эътиборга муҳтож. Саримсоқ полвон ҳам севгилиси Урқияни қамоқда аравакашлик қилиб юрганида учратади. Муҳаббат яна аланга олади. Икки куйган кўнгил, шикастадил бир-бировларига елкадош, ҳамдард бўлишади, қалбларида гўзал туйғулар, покиза ҳислар тўлқини бош кўтаради. Аммо бу қувонч ҳам узоққа чўзилмайди. Урқия қизчасини дунёга келтирадию ёруғ оламни тарк этади. Жондан ортиқ суйган ёрини оппоқ кафанга чирмаб совуқ лаҳадга қўйган полвон беш кунгина тоқат қила олади, кейин ғусса ва дардга тўлиб ўз қишлоғига қайтади. Ҳатто чақалоққа қарагиси келмайди, хотинининг ўлимига уни сабабчи деб билади. Гарчи кейинчалик қизи ҳақида кўп ўйласа ҳам, уни бориб кўришга имкон тополмайди ва бу сир бир умр унинг юрак-бағрини ўртайди. Хотини ва қизи ҳақида ўйларкан юраги ўприлиб кетади, ичида нимадир узилаётгандек бўлади. Ёзувчи муҳаббат ва ўлим билан боғлиқ лавҳаларни, ўлим қаршисида ночор қолган полвоннинг ички изтиробларини тасвирлар экан, китобхон ҳам унга қўшилиб йиғлайди.

Саримсоқ полвоннинг дарагини эшитган Файзулла Хўжаев уни қамоқдан чиқариб, кўпкарига олиб келишни буюради. Кўпкарида ҳеч кимга дов бермаган полвонни қучоқлаб олган Йўлдош Охунбобоев, уни озод қилиш учун кўрсатма берган Файзулла Хўжаев образлари ўзбекона оқибат, андиша, ҳақпарастлик сифатида юзага чиққан. Айни шу саҳифаларда полвон қайта туғилади, ҳаётга умид кўзи билан қарай бошлайди.

Романда трагизм ривожланиб борар экан, даврнинг ниқоблари ҳам бирин-кетин очилган, Саримсоқ полвон ўз ҳаётидан рози, аммо «Фақат бир нарса уни бошқачароқ қийнади: одамларнинг унутувчанлиги ва юзгўйлигини сира ҳазм қилолмади. Худованди Карим бандамсан деб яратган зотлар бир-бирларига оқибатлироқ бўлганларида, ҳалолроқ яшаганларида нима қиларди? Бундан одамзот ютса ютардики, асло ютқазмасди!». Саримсоқ полвонни қийнаган савол «ҳисли кўнгил тарихи» адабиётни, сўзни ҳис қилган ҳар бир инсонга тегишли ва мангу савол. Бу саволнинг жавобини китоблардан ё олимлардан эмас, ўз ичимиздан қидиришимиз керак. Савол битта, жавоблар эса табиийки…

Одам боласи берилган имкониятдан қай мақсадда фойдаланса ҳаловат топади ва умр шомида ўзидан рози бўлади, деган бир хавотирли сўроққа жавоб излаётган бўлсангиз, мутолаага шошилинг. Мен атай кўпкари ҳақида сўз очмадим, улоқ чопишнинг ҳаяжон ва завққа тўла лавҳаларини ўқиб ҳузурланишни сизга қолдирдим.

**Илҳом ҒАНИЕВ,**
**филология фанлари доктори**



**1990 йиллар эди. Юртимизда мустақилликнинг майин нафаси кезган, ҳурлик ҳавосидан эмин-эркин нафас ола бошланган дамлар. Мен шоир, журналист Норқобил Жалил билан таниқли шоирамиз Замира Эгамбердиева орқали танишдим. Ўшанда “Ўзбекистон овози” газетаси таҳририятида ўзига хос ижодий муҳит ҳукм сурарди. Эсимда, Норқобил, Замира ва журналист Қурбон Эшматов бир хонада ишлашарди. Бу ижодкорларнинг ўзаро самимий муносабати, ҳазил-мутойибалари ҳануз ёдимда.**

# АЖИБ ЯҚИНЛИК

Бир куни Норқобил мендан Тоғаймурод ака билан суҳбат қилсам, деб сўради. Мен ўйланиб қолдим. Чунки ёзувчини бундай таклифларга кўндириш амри маҳол эди. “Мени асарларим орқали танишсин. Ўзимни ўзим афиша қилишга ҳожат йўқ”, деган принципида қатъий турарди. Бир йўлини қилиб, Норқобилнинг истагини айтдим.

– Ўша бола... суҳбат қилмоқчи бўлган йигит ким? – сўради бироз сукутдан сўнг Тоғаймурод ака.

Мен хурсанд бўлиб кетдим. Унинг гап оҳангидан таклифга рози бўлиши мумкинлигини илғагандим.

– Шоир, – дедим шошилиб. – Ажойиб...

Гапимни тугатолмай қолдим:

– Шоир бўлса, шеърларидан опке! – деди Тоғаймурод ака.

Норқобил бир қанча шеърларини мендан бериб юборди. Ўзим ҳам ўшанда ёниқ қалбли шоирни кашф этган эдим.

– Манави мисраларни қара, қуйма! Жуда тиниқ туйғулар! – деди завқланиб Тоғаймурод ака. – Барини тўплаб, китоб қилиш керак!

Кейин ушбу шеърлар китоб бўлиб, дунё юзини кўрди. Халқ Норқобил Жалилни яқиндан таниди, шеърларини севиб ўқиди. Бу орада суҳбатга розилик берилди. Адиб саволларга жавобини ёзиб бўлди. Бир жиҳатни назардан қочирмаслик керак: у киши ҳеч қачон журналист билан бирга ўтириб, анъанавий тартибда интервью бермаган. Бу ҳолнинг сабаби ёзувчи табиатининг ўзига хослиги, айтажак ҳар бир сўзига ниҳоятда талабчанлигидан эди.

Кунлар ўтиб, “Ўзбекистон овози” газетасида суҳбат эълон қилинадиган бўлди. Таҳрирдан чиққан варианти танишиш учун ёзувчига келтирилади. Материалнинг газета талқини ўқилади. Ана ундан кейинги ҳолатни кўринг! Ҳеч ким Тоғаймурод акани кайфияти бузуқ, дарғазаб пайтида кўрмасин!

– Бўлди, чиқмайди! – кескин ҳукм ўқилади.

– Ахир, газетанинг ўз қонун-қоидалари бор, таҳрирсиз чиқариб бўлмайди! – ўзимча вазиятни юмшатишга уринаман.

– Ёзувчи сўзи... ёзувчи сўзи-я... – жаҳлланиб уқтиришга уринади Тоғаймурод ака.

Бари ҳаракатларим бесамар кетади. Мен суҳбатни Норқобилдан қайтариб олиб келаман. Газетада эълон қилинмайди.

Орадан вақтлар ўтади. Шу ерда адибни қойил қолдирган ҳолни айтай. Одатдагидай, унинг тажрибасида кузатилганидай, десак тўғрироқ бўлади, Норқобил ёзувчи акасидан узилиб кетмади. Вақт-вақти билан қўнғироқ қилиб турди. Ички сезгимга кўра, яъни Тоғаймурод аканинг кўнглини бироз билганим сабаб бир нарсага амин эдим: суҳбатнинг газетага чиқишини кескин рад этиб, Норқобилни ранжитиб қўйган бўлсам-да, у мендан қайтмади, дея ичида қойил қолган ва шу боис Норқобилга бир укасидай меҳр қўйган эди.

Ёзувчига “Отамдан қолган далалар” романи учун давлат мукофоти берилганида ҳам “Норқобил келмади-я”, дея уни эслади. Эртаси эса хурсанд бўлиб гапирди:

– Норқобил телефон қилди, кеча навбатчиликда экан!

Газетада эълон қилинмаган ўша суҳбат туфайли икки кўнгли яқин инсон бир-бирини топди. Юзма-юз кўришмай туриб, шунчалик биродарга айланиш мумкинлигига уларнинг самимий ака-укалиги, дўстлиги мисол бўла олади.

Норқобил ўша суҳбатни муаллифнинг ижозати билан 2001 йили “Мен ер билан борди-келди қиламан” сарлавҳаси остида “Қуёшга тик қараб бўлмас” тўпламига киритди.

Кейинчалик адиб хотирасига бағишлаб ўтказилган аксарият эзгу ишлар, тадбирларда чин ука Норқобил белини боғлаб хизмат қилди. Ёзувчининг 60 йиллик юбилейи тантаналарини ўтказиш, қабрига ёдгорлик ўрнатиш, “Мен қайтиб келаман” (Тоғай Мурод замондошлари хотирасида) китобини чиқартиришга бош-қош бўлди. Ўрни келганда мана шу хайрли ишларга матбуот фидойиси, саховатпеша инсон Рустам Қосимовнинг ҳам ҳиссасини эслаб ўтмасам, инсофдан бўлмас.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Давлат мукофоти совриндори Тоғай Муроднинг 70 йиллиги юртимиз бўйлаб кенг нишонланди. Норқобил Жалил Сурхондарё вилоятининг ўша вақтдаги ҳокими Эркинжон Турдимовга мактуб битиши ортидан бир қанча хайрли ишлар амалга ошганини ҳамма ҳам билавермаса керак. Ҳозир Олтинсой туманида Тоғай Мурод номи билан аталадиган маҳалла бор, унинг марказида замонавий гузар қад ростлаган бўлиб, кутубхона ва чоғроқ музей ҳам ташкил этилган.

Бугунга келиб, Норқобил Жалил ўз ижодий имкониятларини намоён қила билган етук шоир, катта публицист, ажойиб журналист, ташкилотчи раҳбар. Мен укамиз Норқобилни қутлуғ 60 ёши билан табриклайман! Умрингиз узун, парвозингиз бундан-да баланд бўлсин, доим эл ардоғида юринг, укажон!

**Маъсума АҲМЕДОВА**

**Нодирабегим ИБРОҲИМОВА**



## НОРАСИДА УВОЛИ

Катта тезликда келаётган машина “ғийқ этиб” тўхтади.

– Нима бўлди, одамнинг юрагини ёрдингиз? – сўради аёл эрига қараб.

– Йўлимдан нимадир чиққандек бўлди... – эркак аста тушиб машинанинг олд тарафига юрди. Хотини ҳам эргашди.

Машина ғилдираклари тагида кучукча инграб ётарди. Оёғини босиб ўтган кўринади... Эркак «аҳ» деди-да, хотинига энди нима қилдик, дегандек қаради.

– Хайрият, одам эмас экан, – ёқасига туфлади аёл. – Юринг кетдик, кечикяпмиз...

Шу пайт йўл четида катта ит кўринди. Лўкиллаб улар томонга чопди. Аёл қўрққанидан машина эшигига суянди ва эрини шоширди. Аммо ит одамларга боқмай, кучукчани искади. Сўнг аламли увлади.

– Боласи, шекилли... – бошини қашлади эркак. Аранг нафас олаётган кучукчага қўлини теккизди.

– Дилноз, қара, ҳали тирик... балки, шу атрофда бирор мол дўхтири...

– Эй, бунча кўнгилчан бўлмасангиз! Битта итга шунчами? Бўлсангиз-чи, онам кутиб қолди!

Ҳомиладор аёлини бетоқат қилмаслик учун эркак мажбуран машинага ўтирди. Кетаркан, кўзгу орқали орқада қолиб кетган маҳзун ит ва норасида кучукчадан кўзини узолмади.

– Ишқилиб, тирик қолсин...

Ўша воқеа анчагача эркакнинг эсидан чиқмади. Орадан беш ой ўтиб хотини ўғил туққач, унутиб ҳам юборди... Аммо тўрт йилдан кейинги бир мудҳиш воқеа унга ўша кунни эслатди.

Кўчада ўйнаб юрган ўғилчасини машина уриб кетди. Ҳайдовчи қўрққанидан қочиб қолди. Бир киши уни шошилинч касалхонага олиб борибди. Ота-она жон ҳолатда жонлантириш бўлимига келишди.

– Ўғлингизнинг жони омон, фақат... бир оёғи... ногирон бўлиб қолиши мумкин.

Онаси айюҳаннос солди, ота эса бошини чангаллаб, ерга ўтириб қолди. Боши гир айланиб кўз олдига инграб ётган кучукча келди.

– Бахтингга... ўша кучукча омон қолган экан, йўқса... – дод солаётган хотинига пичирлади у.

Аёл ҳам бирдан сергакланди ва ўзини эрининг оёғи тагига ташлади.

## СИНГИЛ ВА РАФИҚА

– Ким бўпти ўзи у, синглимга қўл кўтарадиган?! Ҳали кўрсатиб қўяман, – жаҳл отига минган ака синглисининг кўкарган қовоғига қараб баттар тутоқди. Сўнг шартта ўрнидан турди.

**КИЧИК ҲИКОЯЛАР**

– Қўйинг... – йиғлашда давом этарди сингил, – эримнинг ўзи жаҳли тез... – ҳозиргина ундан зорланиб турган аёл эрининг тарафини олди, – ҳали замон кечирим сўраб келади.

– Қилғилиқни қилиб қўйиб, кечиримини пишириб есин! Мен синглимни хўрлатиб қўймайман. Башарасига бир мушт тушириб, сўнг узр сўраганим бўлсин!

– Ундай қилманг, – сингил мўлтираб келинойисига қаради.

– Дадаси... – тилга кирди аёли ҳам, – оилада бўлиб туради...

– Сен аралашма!

– Ахир... – аёл ерга боққанча оҳиста сўзлади, – менинг акаларим тўполон қилгани йўқ-ку...

Эркак беихтиёр аёлининг ёноғига қаради. Ҳалиям қизариб тургандек туюлди. Ўтган ҳафта мастлигида «Бунча кўп ичдингиз?» деб зорланган аёлини қаттиқроқ туртиб юборганини эслади.

Кўзини яшириш учун деразадан ташқарига боқди. Келинойисининг шамасини тушунган сингил ҳам аста тугунини кўтарди-да, уялганча хонадан сирғалиб чиқиб кетди.

## ҲАМДАРДЛАР

Отаси ўлиб, сағир қолди болакай. Онаси йиғлаб-йиғлаб бошқага турмушга чиқди. Бола янги дадасидан бегонасиради. «Ўгай дадалар ёмон бўлади», дейишганди ўртоқлари. Уни бағрига тортмоқчи бўлган амакини силтаб қочиб кетди. Ертўлага кириб, ўз дадасини эслаб кўз ёш тўкди.

– Нега йиғлаяпсан? – уни яширинган жойидан топиб олди янги дадаси.

– Дадамни соғиндим...

– Мен ҳам жуда соғиндим, – унинг елкасини силади янги дада. – Отам ўлганида роса йиғлаганман. Ҳалиям қўмсайман.

– Сизнинг ҳам дадангиз йўқми? – унга ҳайрон бўлиб боқди бола.

– Ҳа... сен каби ёлғизман, болам. Дўст бўласанми мен билан? – кўзлари намланди янги даданинг.

– Бўламан... – у узатган қўлларни тутди бола.

Ҳамдардлар ҳар куни бирга ухлайдиган бўлишди.

## ИЖОДКОР

– Мен катта ёзувчи бўлмоқчиман! – деди у хотинига, фарзандларига. – Ижод қилаётганимда халал бермanглар!

У туну кун ижод қилди. Унга кўзларини мўлтиратиб тиккан қизини ҳам, юрак ютиб бўйнига осилолмаган ўғлини ҳам кўрмади. Жуфтига бағишлай олмаган изҳорларини китобига битди. Фарзандларига айтолмаган ширин сўзларини китобига ёзди. Оиласига кўрсатолмаган ғамхўрликни китобда исботлади!

У танилди. Асарлари минглаб нусхада чоп этилди. У шону шуҳратга бурканди.

– Энди етар, – деди бир кун қўлидаги қаламни қўйиб, – кексайибман...

Шундай дея атрофига қаради: ҳеч ким йўқ эди.

У бир уюм китоблари ичра ёлғиз қолганди.

# ШОИР БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ



Ижодкор ука-сингилларга меҳр берганимиз сари устозларимизнинг ҳам бизга меҳри ошиб бораётгандек. “Меҳр тез қайтади” деб балки шунга айтишса керак!

Куни кеча устозимиз – Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азим билан Гулистонда бўлдик. Ҳалима Худойбердиева номидаги ижод мактабида устоз билан ижодий учрашув бўлиб ўтди. Ҳаммамиз учун – адабиёт муҳиблари,



ёш ижодкорлар, айниқса, ижод мактабида таълим олаётган ўқувчилар учун унутилмас кун бўлди. Адабиёт ҳақида, ижодкор кимлиги ва шеър нима эканлиги ҳақида аввал айтилмаган гаплар айтилди. Дилларимиз яйради, кўзларимиз қувонди.

Марҳум устозимиз Ҳалима Худойбердиева билан кечган онларни хотирладик. Бир сўз билан айтганда, кўнгиллар руҳий ҳордиқ олди. Менимча, адабиётнинг инсониятга буюк хизмати ҳам аслида шу – одамларга руҳий қувват бериш!

Илоҳим, устозларимизнинг умрлари узоқ бўлсин!

**Шуҳрат ОРИФ,**
**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси**

ТАРИХ ВА ТАҚДИР

# ТУРКИСТОНДА ОЧАРЧИЛИК ОҚИБАТЛАРИ

**1917 йилда ҳокимиятни эгаллаган большевиклар хусусий мулкчиликни йўқотишга, хўжалик ҳаётининг барча соҳаларида социалистик давлат мулкчилигини ўрнатишга қарор қилдилар. Биринчи жаҳон уруши ҳамда октябрь инқилобидан кейин бошланган фуқаролар уруши мамлакатда катта инқирозни келтириб чиқарди. Ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг бутунлай издан чиқиши натижасида улкан шўролар мамлакатининг аксарият ҳудудларида очарчилик бошланди. Шу мамлакатнинг бир ўлкаси сифатида Туркистон ҳам бу фалокатдан четда қолмади.**

Айниқса, Туркистондан Россиянинг марказий губерняларига хомашё захираларининг ташиб кетилиши ўлкадаги иқтисодий инқирозни янада чуқурлаштириб юборди. Бу ҳолат Туркистон Иқтисодий Кенгаши (ТЭС) ҳисоботларида кўзга равшан ташланади: "Барча пахта, жун, тери, мўйна маҳсулотлари Марказга жўнатилди. Бунинг устига Туркистоннинг моддий захирасидан ҳарбий соҳа эҳтиёжлари таъминланишини ҳам ҳисобга олсак, ўлкадаги барча етишмовчилик яққол кўринади ва Туркистонда маҳсулот танқислиги вужудга келиши тушунарли бўлади".

Бошқа тармоқлар каби қишлоқ хўжалиги соҳаси ҳам оғир аҳволда эди. 1917 йилда Туркистонда барча экин майдонларининг миқдори 2,8 миллион десятина бўлган бўлса, 1923 йилда бу кўрсаткич 1,6 миллион десятинага тушиб қолди. Республикадаги экин майдонлари 1,2 миллион десятинага қисқарди. Туркистон АССР раҳбарларидан бири И.Хидиралиевнинг ёзишича, 1917 йилдан Фарғона водийсида қишлоқ хўжалик соҳаси инқирозга учрай бошлади. Хусусан, суғориладиган экин майдонлари миқдори кескин камайиб кетди. Бу кўрсаткич водийда 1915 йили 994 000 десятина бўлган бўлса, 1917 йилда 596 381 десятинага тушиб қолди. 1918 йилдан бошлаб инқироз ҳалокатли тус олди. Тўлиқ бўлмаган маълумотларга қараганда, ўша йили атиги 70 000 десятина ерга пахта экилган эди.

Туркистон ўлка Мусулмонлар бюросининг раиси Турор Рисқулов Туркистон Компартияси III ўлка съездида 1919 йил 6 июнда қилган маърузасида шундай деган эди: “Фарғонада совет ҳокимияти йўқ, у фақат рус аҳолиси бор шаҳарлардагина мавжуд. Мусулмон қишлоқларида эса совет ҳокимияти мавжуд эмас, у ерларда Николай давридаги тартиблар ҳукм сурмоқда, пристав ва волость бошқарувчиларининг ўрнига комиссар ва қароқчилар тўдаси келишган”.

Т.Рисқулов ўз маърузасида “партия раҳбарлиги” ниқоби остида иш олиб борган коммунистларнинг маънавий қиёфаси қанчалар тубан эканлигини очиб ташлайди. Мусулмонлар ҳеч қандай гуноҳсиз отиб ташланаётганлигини, советларнинг ўзи уларни “миллатчи” ва “қароқчи” қилаётганини кўрсатади. Туркистонда совет ҳокимияти ўрнатилганидан сўнг қисқа вақт ичида большевиклар ҳукмронлиги қандай оғир оқибатларга олиб келгани коммунист Т.Рисқулов томонидан ана шундай тасвирланади. Туркистондаги маҳаллий аҳоли “большевик – коммунист қизиллар” ҳукмронлиги – совет ҳокимиятига қарши бош кўтарган истиқлолчиларнинг қўллаб-қувватлаганлигининг энг асосий сабабларидан бири ҳам шунда эди.

Туркистон Компартияси III ўлка съездида “Фарғона масаласи" тўғрисида махсус тузилган комиссия ҳисоботи тингланаётган пайтда бир мусулмон коммунистининг хати ўқиб берилади. Т.Рисқулов қаламига мансуб “Инқилоб ва Туркистоннинг туб аҳолиси" номли китобда ушбу мактубнинг тўла матни келтирилган. Туркистонда совет ҳокимияти томонидан ўтказилаётган шовинистик сиёсат ва қизил армиянинг босқинчиликлари мактубда қуйидагича фош қилиб ташланган: “Биз шўрлик мусулмонларни қонхўр Николай замонида қандай ҳайвон ўрнида кўришган бўлса, йўқсиллар ҳукумати даврида ҳам шундай... Ҳозир ҳам зулматда яшамоқдамиз, оч, яланғоч, итга ўхшаб хор бўлиб ўлиб кетяпмиз. Бунинг учун ким айбдор? Масалан, бир камбағалнинг битта оти ва араваси бўлган, у извошчилик қилиб оиласини боқиб турган, уникига бир қизил аскар кириб келади, оилани боқиб турган ягона отни текинга олиб кетади, энди оила нима ҳисобига кун кечиради, буни сўраб ҳам ўтирмайди. Наҳотки, бу фирқа дастурида кўрсатилган бўлса... Улар фақат ўз русларини ажратиб ҳимоялари остига олдилар, яхши едирдилар, яхши кийдирдилар, бошқаларнинг ипак газламалари ва қимматбаҳо буюмлари билан уйларини безадилар. Биз мусулмонларга нима беришди? Қорнимизни тўйғазишдими? Йўқ. Кийинтиришдими? Йўқ. Агар кийинтиришганда камбағаллар ялангоёқ юришармиди, агар қорнимизни тўйғазишганда минглаб-ўн минглаб одам очликдан ўлармиди. Бизнинг уйларда нималар қолди? Фақат жулдур тўшаклар қолди, холос, бошқа ҳеч нарса...”.

Бу пайтга келиб озиқ-овқат муаммоси Туркистон АССРдаги энг ўткир муаммолардан бирига айланган эди. Большевиклар маҳаллий аҳоли қўлидаги ғалла ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини тортиб олиш учун қатъий чораларни белгилади. 1918 йил январда Туркистон Халқ комиссарлари совети ҳузурида озиқ-овқат бўлими очилиб, унга катта ҳуқуқлар берилди. Маълумки, 1918 йил 9 майда РСФСРда озиқ-овқат диктатураси жорий қилинган эди. Бу масала марказнинг ўзида ҳам қаттиққўллик билан амалга оширилди. Туркистонда эса 1918 йил 15 июнда уч кишидан иборат ўлка озиқ-овқат директорияси ташкил қилинди.

Директория ўз фаолияти давомида катта хатоларга йўл қўйди. Очликнинг ёвуз чангали кекирдакдан ушлаб турган пайтда фақат рус аҳолиси озиқ-овқат билан таъминланди. Г.Сафаровнинг “Мустамлакачилик инқилоби (Туркистон тажрибаси)” (“Колониальная революция (опыт Туркестана”) асарида ёзилишича, “Ҳокимиятдан четлаштирилган мусулмон аҳолиси ноннан ҳам маҳрум қилинди. Натижада очарчиликдан қутула олмаётган мусулмон аҳолиси қирила бошлади. Русларнинг янги шаҳри ва унда кун кўраётган совет ҳокимияти билан маҳаллий аҳоли ўртасида ўтиб бўлмас девор пайдо бўлди”.

Совет ҳокимияти ва большевиклар томонидан қабул қилинган “Ғалла монополияси тўғрисида”, “Синфий нон паёги тўғрисида”, “Туркистон Республикасида озиқ-овқат сиёсатини амалга ошириш юзасидан озиқ-овқат комиссарига фавқулодда ваколатлар бериш тўғрисида” деган декретлар билан 1919 йил 4 июнда Туркистонда озиқ-овқат диктатураси жорий этилди.

Туркистон АССР Марказий ижроия комитетининг ўша куни бўлиб ўтган мажлисида айрим маҳаллий коммунистлар ғалла монополияси сиёсати амалга оширилса, у республикада қайғули фожиаларга сабаб бўлади, деб олдиндан огоҳлантиришди. Масалан, Туркистон ўлка мусулмонлар бюроси раиси Т.Рисқулов бу сиёсат бизга тўғри келмайди деб қуйидагиларни таъкидлаган эди: “Ғалла монополияси сиёсатини Туркистонда амалга ошириб бўлмайди... Ғаллани аҳолидан эркин нархда сотиб олишимиз керак. Меъёридан ортиқ ғаллани топширишни деҳқонлардан талаб қилмаслигимиз лозим”.

Туркистон АССР Темир йўллар халқ комиссарининг ушбу мажлисда айтган қуйидаги сўзлари ҳам диққатга сазовордир: “Ғалла монополияси сиёсати юритилар экан, қурол кучидан фойдаланмаслигимиз керак. Ўлкада 7,5 миллион киши яшайди, уларнинг ҳар бирига йилига ўртача ҳисобда 10 пуд ғалла ҳисобланганда ҳам 75 миллион пуд ғалла керак. Амалда 35 миллион пуд ғалла йиғилди. Озиқ-овқат директорияси ушбу дондан 15 миллион пуд ғаллани шаҳардаги ишчиларга беришни мўлжаллаган. Бунинг натижасида 5 миллион мусулмон аҳоли очарчилик гирдобида қолди”.

Ғалла монополияси ҳеч қандай тайёргарликсиз жорий қилинди ва шафқатсиз равишда амалга оширилди. Туркистондаги тартибсиз реквизициядан энг кўп азият чеккан мусулмон аҳолиси ғалла монополиясини, ўша даврдаги совет амалдорларидан бири киноя қилиб ёзганидек, худо томонидан юборилган жазодек қабул қилди.

Деҳқонларнинг охирги қадоқ ғалласи озиқ-овқат тўпловчи отрядлар томонидан тортиб олинди, ҳатто шу отрядларда хизмат қилган айрим маҳаллий коммунистлар ҳам ўз ишларининг нақадар жирканч эканини тушуниб, уни бажаришдан бош тортдилар. Ана шундай кишилардан бири самарқандлик Қоразокир Ҳамидов Туркистон АССР советларининг фавқулодда VII съездида нутқ сўзлаб, қуйидагича кескин фикр билдирган эди: “Мен ғалла монополиясига бутунлай қаршиман. Қишлоқларда аҳвол жудаям оғир. Қишлоқларда одамлар очликдан қирилиб кетди. Аввало, у ерда эркинлик йўқ”.

“Синфий нон паёги тўғрисида”ги декретга мувофиқ Туркистонда карточка тизими жорий қилинди. Барча аҳоли уч тоифага ажратилди: I тоифа ишчилар, қизил аскарлар ва масъул ходимлар кунига 1 фунт (1 фунт – 409,5 грамм), II тоифа хизматчилар, қора ишларни бажарувчи ишчилар ярим қадоқ (205 грамм), III тоифа ишчилар ва буржуазия чорак қадоқ (102 грамм) нон олишлари мумкин эди.

Маҳаллий аҳоли ҳатто ўзининг арзимас улуши бўлган 100 – 200 грамм нонни олишдан ҳам кўпинча маҳрум эди. Бу декрет, энг аввало, рус аҳолисидан иборат ишчилар синфини таъминлашни кўзда тутар эди. Масалан, Наманган уезди озиқ-овқат бўлимида аҳоли таъминоти учун паёк тарқатилганда уезднинг маҳаллий аҳолисига ундан бирорта ҳам улуш ажратилмади.

Озиқ-овқат тақсимлашда қўлланилаётган миллий тенгсизлик сиёсати Туркистон АССР советларининг VIII съездида (1919 йил сентябрь-октябрь) маҳаллий делегатлар томонидан қаттиқ танқид қилинди. Андижондан келган делегатнинг айтишича, "Озиқ-овқат бўлимига тушаётган барча маҳсулотлар европалик аҳолига тарқатилмоқда. Маҳаллий аҳоли ҳеч нарсадан фойдаланмаяпти.”

Съезднинг иқтисодий секциясидаги маҳаллий делегатлар Туркистон АССР озиқ-овқат халқ комиссари В.С.Ляпин билан бўлиб ўтган мулоқотларида тақсимот борасида совет ҳокимияти юритаётган сиёсатнинг асл моҳиятини очиб ташладилар.

Туркистонда 1917 йил қишида бошланган очарчилик большевикча режимнинг қаттол сиёсати натижасида тобора кучайиб борар эди. 1918 йил 20 ноябрда Туркистон АССРда очарчиликка қарши кураш марказий комиссияси тузилди. Комиссия раиси Т.Рисқулов ўз таржимаи ҳолида ёзганидек, “... ҳақиқатан ҳам кўчалар, ариқлар бўйида ва қишлоқларда ўлаётган миллионлаб йўқсиллар ва болаларни қутқариш керак эди, ўша вақтдаги ҳокимият бунга панжа орасидан қарар эди ( масалан, 1 миллион оч киши учун ҳаммаси бўлиб 5 миллион рубль пул ажратилди)... ”

Маълумки, Фарғона вилоятида очарчилик 1917–1918 йил қишидан бошланган эди. Бу очарчилик, хусусан, 1921–1923 йилларда авжига чиқди. Очлик натижасида энг кўп болалар қирилиб кетди. Бу даврда водийдаги шаҳарлар ва эски шаҳар қисмлари оч одамлар билан тўлиб кетган эди. Улар масжидлар ва қабристонлар ҳамда кўча-кўйларда юрарди. Қишлоқлар ва шаҳар кўчалари ҳар куни очликдан ўлган ўнлаб ва юзлаб одамларнинг мурдаларига тўлиб кетган бўлиб, бу ҳолат даҳшатли манзара ҳосил қилган. Масалан, 1922 йилда Фарғона вилояти очлик оқибатларини тугатиш комиссиясига бир қишлоқ вакилининг хабар беришича, у станцияга етиб келгунча 30 чақирим йўл устида ҳали танаси совиб улгурмаган 17 нафар жасадни одеял, ёстиқ ва кетмонларни чангаллаганча ўлиб ётган ҳолида кўрган. Бу шўрликлар рўзғорларидаги сўнгги буюмларини олиб, нонга айирбошлаш учун бозорга отланганлар ва йўлда очликдан қазо қилганлар.

Фарғона вилояти советларининг XIII съездида вилоят инқилобий қўмитаси раиси водийдаги очарчилик тўғрисида тўхталиб шундай деган эди: “1917–1918 йилдаги очарчилик Фарғона вилояти хўжалигининг вайрон бўлишида кучли таъсир кўрсатди... Фақат Қўқон ва Марғилон уездида очарчилик оқибатида 1917–1923 йилларда ярим миллион одам ўлди”. Архив ҳужжатларининг далолат беришича, “Фарғона вилоятида 1917–1923 йилларда очарчилик оқибатида бир миллион ва ҳатто ундан ортиқ киши ҳалок бўлди”.

Туркистон АССРдаги даҳшатли очарчилик бошқа вилоятларга ҳам кенг тарқалди. Масалан, Самарқанд вилояти Жиззах уездининг 70 фоиз аҳолиси очликдан қирилиб кетди. Бошқа уездларда ҳам аҳвол шундай эди. Самарқанд уездининг ўзида эса 70 минг одам очарчиликдан ўлиб кетди.

Т.Рисқулов Туркистон АССР советларининг фавқулодда VII съездида (1919 йил март) бутун бир миллат йўқ бўлиб кетиши мумкинлиги ҳақида гапирганда унинг сўзларида кучли дард бор эди. Очарчилик шу даражада кучайган эдики, ўлка тарихида илгари деярли учрамаган одам гўштини ейиш каби ҳодисалар юз берди. “Туркистон халқ хўжалиги” журналида ёзилишича, Т.Рисқулов бу ҳақда маърузасида куйиниб сўзлайди. У очарчилик республика аҳолисининг ярмини, яъни тахминан 2,5 миллион кишини ўз домига тортганлигини таъкидлайди. Бу ҳақда Туркистон АССР озиқ-овқат халқ комиссари, большевик В.Ляпин “Марказий Россиядаги очарчиликлар Туркистондаги даҳшатлар олдида ҳеч нарса эмас”, деб ёзган эди.

Туркистондаги совет ҳокимияти оч қолганларга ёрдам учун турли комиссия ва комитетлар ташкил этди, съезд, қурултой ва бошқа йиғилишларда бу масалани кўп марта кўриб чиқиб, қарорлар қабул қилди. Бироқ бу ҳаракатлар кутилган натижани бермади. Турли шаҳарларда аръзон ва бепул ошхоналар очилди. “Республика овқатланиш пунктлари томонидан 1918 йилда 3 миллион, 1919 йилнинг беш ойида эса 25 миллион марта оч кишилар тушлик овқат билан таъминланди”. Бироқ бу рақам бир қарашда кўпга ўхшаб кўринса-да, аслида, ҳар бир оч қолган кишига ўрта ҳисобда ҳафтасига 1,5 марта тушлик тўғри келар эди. Умумий очарчилик шароитида бу овқатланиш жойларида чайковчилик кучайганини ҳам унутмаслик керак. Даҳшатли очарчилик ва оғир иқтисодий инқирозни бошидан кечираётган Туркистон ўлкасидан марказга озиқ-овқат маҳсулотларини олиб чиқиб кетиш тобора кучайди. Архив ҳужжатларининг далолат беришича, 1920 йилда ташиб кетилаётган нон маҳсулотлари ва бошқа озиқ-овқат турларининг миқдори 4,5 мартага кўпайган. Масалан, Туркистондан Россияга 1920 йилда 18038 тонна озиқ-овқат ва 4219 тонна ғалла олиб чиқиб кетилганлиги Ўрта Осиё ва Тошкент темир йўллари идорасининг расмий ҳужжатларида келтирилади.

Марказга жўнатилаётган озиқ-овқат маҳсулотлари ва ёқилғининг миқдори ой сайин кўпайиб борарди. Бошқа бир ҳужжатда ёзилишича, “1921–1922 йилларда Туркистондан Россияга 4400000 пуд ғалла жўнатилган. Ўша пайтда дон етиштиришга ихтисослашмаган Туркистон қишлоқ хўжалиги учун бу катта миқдордаги ҳосил ҳисобланарди. Чунки Туркистон ўлкаси Россия империяси томонидан босиб олингач, ўлкадаги буғдойзорлар ҳисобидан пахта экиладиган майдонлар кенгайтирилиб, ғалла Россиянинг марказий губерняларидан бу ерга ташиб келинарди. Маълумки, Туркистонда большевиклар ҳокимият тепасига келгач, Россиядаги фуқаролар уруши натижасида ўлкага ғалла келтириш деярли тўхтаб қолган эди.

Халқ очликдан қирилаётган бир маҳалда Туркистондаги айрим озиқ-овқат захираларидан большевиклар фронтда ҳарбий мақсадлар учун фойдаланди. Масалан, 1919 йилнинг биринчи ярмида фақат Закаспий фронтида 198 цистерна ўсимлик ёғи ва 305 цистерна нефть ёқилғи сифатида ишлатилди. Туркистон темир йўлларидаги паровозларда 53 та цистерна ўсимлик ёғи ва 223 цистерна нефть ёқилди. Айрим завод ва корхоналарда 118 цистерна ўсимлик ёғи ва 156 цистерна нефть ҳам ёқиб юборилди. Бу даврда аҳоли эҳтиёжлари учун эса атиги 63 цистерна ўсимлик ёғи ажратилди.

Халқ хўжалиги марказий кенгашининг нашри бўлган “Туркистон халқ хўжалиги” журналида ўсимлик ёғининг ишлатилиши тўғрисида қуйидаги маълумотлар келтирилади: “Ишлаб чиқарилаётган ўсимлик ёғининг деярли ҳаммаси ва захирадаги ёғ темир йўлларда суюқ ёқилғи сифатида ишлатилмоқда. Ҳозирги пайтгача (1919 йил сентябрь) бозор нархи 2000000000 рубль бўлган 500000 пуд ўсимлик ёғи ёқилди. Ёғнинг ёқилиши кўпайиб бормоқда, уни ишлаб чиқариш миқдори эса аввалгидек (бир кунда 3800 пуд). Агар кескин чоралар кўрилмаса, биз аҳолини ягона ёғ маҳсулотидан маҳрум қиламиз...”.

Ўсимлик ёғини ишлаб чиқариш ҳажми кўпаймаган бўлса-да, ундан ёқилғи сифатида фойдаланиш кескин даражада ошиб кетди. Мазкур журналнинг ёзишича, 1920 йил февраль ойига келиб 600000 пуд ўсимлик ёғи паровозларда ёқилғи сифатида ишлатилган. Кўмир ва ўтин йўқлигидан бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари ҳам (Туркистонда очарчиликдан юз минглаб одамлар қирилаётган бир пайтда!) ёқилғи сифатида ишлатилар эди. Орол денгизи участкасида паровозлар қуритилган балиқ ёқиб юргизилган. Шунингдек, паровозларга кунжара ёқишга уриниб кўрилган. Энг даҳшатли ҳодиса шундан иборатки, ҳамма нарсани қурбон қилиш эвазига етиштирилган пахта ёқилғи сифатида ишлатилган.

1920 йил бошларига келганда ғалла монополияси сиёсати бир қадар юмшатилди. Озиқ-овқат развёрсткаси (тақсимоти) кўринишидаги монополияни фақат кўчириб келтирилган крестьянлар яшайдиган районларда ўтказишга қарор қилинди, мусулмонлар яшайдиган жойларда натура солиғи жорий этилди. Бироқ озиқ-овқат тайёрлашдаги ушбу табақалаштирилган ёндашув узоқ сақланиб қолмади. Туркистон комиссияси аъзолари В.В.Куйбишев ва Ф.И.Голошчекиннинг тазйиқи билан 1920 йил августда бутун Туркистон АССР ҳудудида озиқ-овқат тақсимотини жорий этиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Озиқ-овқат развёрсткаси аҳолини очиқдан-очиқ талашга айланиб, ижтимоий кескинликни кучайтириб юборди. 1920 йилнинг охирида фақат ишчилардан 42 та озиқ-овқат тўпловчи отрядлар тузилди, бу отрядларда 3000 киши бор эди.

Туркистон АССРдаги озиқ-овқат тўпловчи отрядлар фақат 1920–1921 хўжалик йилида маҳаллий аҳоли қўлидан 9708703 пуд ғалла, 6358144 пуд ем-хашак, 1 606210пуд гўшт ва бошқа маҳсулотларни тортиб олди. Тортиб олинган озиқ-овқат маҳсулотлари Россияга жўнатилар эди.1921 йил 18 июлда бўлган озиқ-овқат халқ комиссарлиги ҳайъати мажлисида Малютин маъруза қилиб, “ўн кунлик муддат ичида 250 000 пуд озиқ-овқат марказга юборилсин деган Ленинниг жанговар буйруғини ўқиб эшиттирди”.

Ленинниг буйруғи келмасдан бир неча кун олдин Туркистон ХКС Оренбургга 20 вагон ғалла, 2 вагон гуруч, қуруқ мевалар (шунингдек, Самарқанд ва Полторацк гарнизонлари учун 16 вагон) ва Орол денгизи балиғидан бир неча вагон юбориш тўғрисида қарор қабул қилинган эди. “Ўлганнинг устига тепган” қилиб, бу топшириқлар Ленинниг жанговар буйруғи билан янада кучайтирилди.

Шундай қилиб, Туркистонда ғалла монополияси ва озиқ-овқат развёрсткаси (тақсимоти) натижасида маҳаллий аҳоли қўлидан: а) 1918–1919 йилларда зўрлик ва товар айирбошлаш (аслида деҳқонга ҳеч нарса берилмаган эди) йўли билан 4500000 пуд; б) 1919–1920 йилларда товар монополияси ва товар айирбошлаш йўли билан 5250000 пуд; в) 1920–1921 йилларда озиқ-овқат развёрсткаси воситасида белгиланган 22500000 пуд ўрнига 9700000 пуд;г) 1921–1922 йилларда озиқ-овқат солиғи ҳисобланган 12500000 пуд ўрнига 4000000 пуд ғалла тортиб олинди.

Озиқ-овқат тўпловчи отрядларнинг ҳаддан ташқари ўзбошимчалиги ҳатто большевикларнинг ўзини ҳам ташвишга солиб қўйди. Туркистон ишчи-деҳқон халқ инспекцияси озиқ-овқат халқ комиссарлиги ихтиёридаги бу отрядларнинг 1920 йил сентябрь – 1921 йил августдаги бир йиллик фаолиятини текширар экан, йўл қўйилган жиддий хатоларни кўрсатди. Текшириш натижалари махсус ёзилган ҳисоботда ўз аксини қуйидагича топди: “Озиқ-овқат комиссарлиги Туркистонда ғалла тайёрлаш ва тақсимотни ўз ичига олган озиқ-овқат сиёсатини амалга ошириши керак эди. Лекин таъминот суст олиб борилди. Белгиланган топшириқлар қоғозда қолиб кетди. Карточка системаси амалга ошмади. Озиқ-овқат комиссарлиги республикада ўз соҳасини бирмунча вақт бошқара олмай қолди. Комиссарлик томонидан раҳбарлик йўқлиги ва инструкциялар тўлиқ ишлаб чиқилмаганлиги учун озиқ-овқат тўпловчи отрядлар нотўғри ва ёмон ишладилар. Улар нафақат ишни барбод қилдилар, балки мустамлакачилик сиёсатининг энг хунук кўринишларини намоён қилиш билан совет ҳокимиятини обрўсизлантирдилар. Комиссарликда ғалла тайёрлаш борасида жинояткорона кайфиятдаги хўжасизлик ва бошбошдоқлик кўзга ташланди. Бундай аянчли аҳволнинг сабаблари қуйидагича: биринчидан, кўпчилик ходимлар ўз ўрнига нолойиқ, иккинчидан, мусулмон аҳолисига эътиборсизлик ва уларнинг қўрқувда эканлиги, учинчидан, мусулмон аҳолисининг озиқ-овқат тўпловчи отрядларга ёмон жалб этилгани ва шу кабилар”.

Туркистондаги оғир иқтисодий аҳвол ўлкада бошланган очарчиликни ниҳоятда кучайтириб юборди. Қишлоқларда нонсиз ва ерсиз қолган деҳқонлар, шаҳарда яшовчи ҳунарманд ва зиёлилар, маҳаллий аҳолига мансуб юз минглаб кишилар даҳшатли очарчилик қурбони бўлишди.

Туркистон АССР президиуми ҳузурида 1918 йил ноябрда ташкил қилинган Очарчиликка қарши кураш марказий комиссиясида (унинг биринчи раиси таниқли давлат арбоби Турор Рисқулов) иш олиб борган коммунистлар ва мусулмонлар Туркистонда очарчиликдан қирилиб кетаётган юз минглаб кишиларнинг ҳаётини сақлаб қолишди. Комиссиянинг Туркистон АССР областларидаги маҳаллий бўлимлари томонидан Тошкент шаҳридан ташқари Фарғона, Самарқанд, Еттисув, Сирдарё областларида катта ташкилотчилик ишлари олиб борилганлиги, очликка дучор бўлган аҳолини озиқ-овқат, кийим-кечак ва пойафзал билан таъминлашдаги хизмати тарихий манбалар ва архив ҳужжатлари асосида илк марта ўрганилди ва асослаб берилди.

Бу даврда Россиянинг марказий губерниялари (Волгабўйи, Жанубий Урал, Дон), Украина ва Қозоғистонда ҳам очарчилик ўзининг даҳшатли асоратларини қолдираётган эди. Бу ҳудудлардан юз минглаб оч қолганлар ўз оилалари (эр-хотин, болалар) билан совет ҳокимияти томонидан Туркистон АССРга эвакуация қилинди, бундан ташқари яна юз минглаб оч қолган қочоқлар турли йўллар билан Тошкент, Самарқанд, Скобелев (Фарғона) ва бошқа шаҳарларга келиб ўрнашади. Уларнинг озиқ-овқат ва кийим-кечак таъминоти яна маҳаллий аҳоли зиммасига тушди. Фақат 1923 йилнинг охири ва 1924 йилда эвакуация қилинган ва қочиб келган очларнинг бир қисми ўз юртларига қайтарилди.

Очарчилик Туркистон АССР халқ хўжалигига ҳам, инсонлар тақдирига ҳам катта салбий таъсир кўрсатди. Халқ хўжалиги ва иқтисодиёт издан чиқди, қишлоқ хўжалиги буткул таназзулга учради, саноат корхоналари ишламади. 1917–1923 йилларда бўлган очарчилик натижасида Фарғонада 1 миллион киши, Самарқанд областида 200000 киши вафот этди. Бу аҳолининг асосий қисми ўзбеклар эди. Бундан ташқари асосан кўчманчи аҳоли (қозоқлар ва қирғизлар) яшайдиган Етисув области ва Сирдарё областининг айрим уездларида ва Қозоғистон АССРда ҳам очлик натижасида тахминан 1 миллион киши ҳалок бўлди. Бу ҳолат Турор Рисқулов ва Мустафо Чўқай асарларида ўз аксини топган. Шу нарса характерли ҳолки, 1917–1920 йилларда Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги, 1920–1924 йилларда Бухоро ва Хоразм Халқ Совет Республикалари ҳудудида очарчилик ҳолатлари деярли кузатилмаган.

Большевиклар юритган иқтисодий сиёсатнинг оқибати бўлган очарчилик совет Россиясининг ўзида ҳам катта қурбонларга олиб келди. Масалан, 1921–1922 йилларда марказий Россия, яъни Волгабўйи ва унинг атрофларида бўлган очарчилик натижасида 5 миллион киши ҳалок бўлди. Қозоғистон АССРда 1921 йил ноябрда оч қолганлар миқдори 1,3 миллион, 1922 йил мартда 1,5 миллион киши бўлган.

Хулоса қилиб айтганда, ўтган асрнинг йигирманчи йилларида юз берган очарчилик ва қаҳатчиликлар миллион-миллион кишиларнинг ҳаётига зомин бўлди ва шунинг баробарида собиқ СССР тарихида мудҳиш саҳифалар бўлиб қолди.

**Қаҳрамон РАЖАБОВ,**
**тарих фанлари доктори,**
**профессор**

# МЕНИНГ ТАРЖИМАИ ҲОЛИМ



Пахтани яхши кўраман. Пахтазорни кўриб баҳри-дилим очилади. Ғўзага суяниб катта бўлганман, десам кулишар. Худога шукр қиламан, чўлларда, саҳроларда кўз очмаганимга. Мен Наманганнинг энг чиройли тумани — Учқўрғонда туғилганман. Дарёнинг шовуллашлари алла бўларди, кундуз боғ-чаманзор ичида юриб тўрт тарафга қарасам, тўрт тарафдан тоғлар елка кериб, ҳимоянгдаман дерди. Шеърга ошнолигим туфайли уйимизга келмаган шоира, олима йўқ. Зулфияхоним, Музайяна Алавия, Олмос опа, Ойдин Ҳожиева, Қутлибека Раҳимбоева, Шарифа Салимова, Нозик Қўзиева, олима опамиз Саодатхоним (Оллоҳ раҳматига олсин), Муҳтарама Улуғова сингари шоиралар, журналистлар, уйимизни тўлдириб ўтиришарди. Онажоним ҳаммаларига сандиқларини очиб қўйиб, атлас кўйлаклар улашардилар. Онажоним юздан ошиб ўтдилар. Уйимизга кирмаган одам йўқ эди. Шеър ёзган ёшларнинг шеърларини тўплаб ўтирардилар. Доим, адабий ходимимсиз, дердим. Кулардилар, ақлингман, қизим деб. Ростдан ҳам, паришонлигимдан ўша пайтларда ҳам, қўйган нарсам эсимда турмасди. Тилла соатим, узук, зиракларимни қўл ювгандаёқ ечиб кетаверардим.

Йўқотсам: «Ойижон, у нарсам қаёқда?» дердим. Юздан ошганда ҳам онам ўтирган ерларида, у ерни қара-чи, деб йўқотганимни топиб берардилар. Онам бор эдилар-да, ҳеч нарсам йўқолмаган. Онам ақлим, савлатим эдилар. Бору йўғим эдилар...

Шундай қилиб пахтани яхши кўраман. Асл сабаби, онам пахта тераётганларида менга тўлғоқ тутган экан. Умрим пахта далаларида бошланганига яққол далил шу-да.

Бир пайт қофияли йиғи овози эшитилибди. Ўша йиғлаган, оламни бошига кўтарган ўзим эканман. Отам отда келиб, қиз фарзанд дунёга келганидан қувониб, чақалоққа Дилбар исмини қўямиз, деган эканлар.

Шунга пахтани яхши кўраман, яхши тераман. Пахтазорлар шундай чиройлики...

**Дилбар ҲАЙДАРОВА,**
**шоира**

## ҲАЖВИЯ

# Яхши ўқиш керак



— Дадаси, кеча мактабда ота-оналар мажлиси бўлди. Ўғлингизнинг ўқишию хулқи ҳақида аччиқ гаплар эшитиб келдим. Ота бўлиб сиз ҳам ўғлингизга танбеҳ бериб қўйсангиз бўлмайдими?

— Бўйи бўйим билан тенг бўлса, нима деб танбеҳ бераман? “Сўксанг бети қотади, урсанг эти” деган гап бор.

— Юзта баҳонани қалаштириб юраверсангиз...

— Ҳа, яхши, қани, ўғлингни чақирчи...

— Хўш, тойбола, ўқишлар қандай?

— Яхши.

— Нимаси яхши? Кеча мажлисда онанг бошини кўтаролмай қопти-ку, бу қанақаси? Бизнинг юзимизни ерга қаратмоқчимисан?.. Гап бундай, эртага ўқишга бормайсан, вақтлироқ туриб, мен билан кетасан.

— Қайерга борамиз, дада?

— Бу саволга эртага жавоб оласиз, той.

Эртасига машина барвақт келди. Ота-бола хизматга отланишди.

— Бу бизнинг кенжатойимиз, — ҳайдовчига таништирди ота. — Бугун ишхонани бир саёҳат қилиб кетсин, деб олиб кетаяпман.

Корхонага киришганда ота-болани котиба қиз табассум билан кутиб олди.

— Бу бизнинг ишонган ва суянганимиз — кенжа ўғил, — деди бошлиқ котибага.

Ичкарига киришди. Ҳаммаёқ саранжом-саришта. Тўрт хил рангдаги телефон аппаратлари, бежирим телевизор, совутгич, компьютер, турфа гуллар, хуллас, ҳаммаси жойида, батартиб. Ота ўриндиққа чўкди-да, столи четидаги кичкина қизил тугмачани босди. Эшик очилиб, котиба қиз кўринди:

— Лаббай.

— Бизга иккита кофе. Биттасига шакардан кўпроқ солинг.

— Хўп бўлади.

— Дада, бу ўша биз келганда кутиб олган қизми?

— Ҳа, ўша. Нима эди?

— Бирпасда бошқача кийиниб олибдими? Яна кофе ҳам дамлашга улгурибди.

— Шунинг учун уйда қолгим йўқ-да. Онангга чой дамла десам, икки соат йўқ бўлиб кетади.

Қизил тугмача яна босилди. Эшик очилиб, котиба қиз табассум қилди.

— Хўш, гап бундай. Тойбола билан бирга корхонамизни айланинглар. Мен кимларга раҳбарман, кимлар билан ишлаяпман, ходимларнинг менга муносабатлари қандай, хуллас, ҳамма-ҳаммаси билан бирма-бир таништиринг. Бирга тушлик қилинглар. Тушунарлими?

— Хўп бўлади.

Ота-бола корхонадан анча кеч қайтишди. Йўлда ота ўғлига:

— Хўш, полвон, корхона билан таништингми?

— Ҳа, дада, танишдим. Ҳамма-ҳаммаси яхши экан. Лекин, барибир, шу..., шу... котиба қиз зўр экан-да!

— Шунинг учун мактабда яхши ўқиш керак-да, той...

**Асрор СУЛАЙМОНОВ**

## МУАЛЛИФ ЎЗ КИТОБИ ҲАҚИДА

# КИТОБ ОДАМНИ КЎТАРАДИ...



Бугун бундай одамларга кўча-кўйда кўп ҳам дуч келавермайсиз. Мана, ўзимиз бозордан тўрхалтада картошка олиб қайтяпмиз, ёнимизда биров шафтоли кўтариб кетяпти, анави одамнинг тўрвасидан эса иккита шишанинг учи чиқиб турибди... Уларга эътибор ҳам қилмаймиз. Тирикчилик. “Қорин ғами..”да... “Фикр ғами”га эса унчалик ҳам ҳафсаламиз келмайди... Шуларнинг ёнида бир даста ипга боғланган китоб кўтарган одамни тасаввур қилинг... Ғалати кўринади кўзимизга... Нимаси ғалати – ўзимиз ҳам тушунмаймиз... Аммо...



Картошка тўла тўрхалтани четга қўйиб, ўйласак... Аслида одам Китобни эмас, Китоб одамни кўтариб турмайдими бу дунёда? Қуръондан тортиб, Конституциягача, “Алжабр”у “Зиж”дан Илон Маск чизмаларигача, Ҳазрат Навоийдан Абдулла Орифгача...

Китоб олам ва одам мувозанатини ушлайдиган бебаҳо мўъжиза эмасми?! Бу мўъжизалар тафаккуримизни юксалтиради, кўнглимизни кўтаради, руҳимизни осмонларда парвоз қилдиради... Тирикчилик эмас, ТИРИКЛИКнинг асл тиргаклари улар...

**Нуриддин ЭГАМОВ**

## КЎНГИЛ МИНТАҚАСИ

**Носир АЛИ**



### ҚАРИЛИК

Чол.
Лабида сезилмас титроқ.
Сукут ичра боқар самога.
Одамлардан,
ҳаммадан кўпроқ,
У суяниб қолган асога.
Чин дўст каби ёнида доим -
Бир пиёла,
бир чинни чойнак.
Бўлса ҳамки қиёмат-қойим,
Унинг билан бирга
кўзойнак.
Кампирига бермас бироқ сир,
Қариликка тан бермас сира.
Кўзойнагин артар,
бари бир
Кўринади ён-атроф
хира.

* * *

Юлдузлар шивири сўниб бормоқда,
Атрофда тентирар изғиринлар оч.
Анҳор сокинликка кўниб бормоқда,
Тераклар тиккалаб қўйилган оғоч.

Шамол кўзга урар қиров-қиринди,
Чўпоннинг эсидан чиқди таёғи.
Осмонда аёзнинг боши кўринди,
Ерга қарғаларнинг етди оёғи.

### ДУО

Молу мулк тўплашга киришди чунон,
Юз тубан йиқилди бир кун ногаҳон.
Билсаки, бу йиғиб-терганларини,
Сарфин айламакка қолмабди имкон.

Кимга не қисматдир, аввали худо,
Истаса бор қилур ёхуд мосуво.
Кўҳна дуоларда ҳикмат мужассам,
“Топганинг тўйларга буюрсин, илло!”

### ТЎРТЛИКЛАР

Қулоққа чалинар гоҳ унда-бунда,
Бир одам бой бўлиб қолмиш бир кунда
Ва лекин ҳеч қачон, ҳеч кимса бирдан
Оқил бўлолмагай, ҳамма гап шунда.

* * *

Мудом нолигаймиз даврон-довурдан,
Шу тахлит тушармиз балким ҳовурдан.
Вале билмагаймиз, даврон ҳам зада,
Ўзимиз бошлаган ғала-ғовурдан.

* * *

Ким илдиз, ким дарахт, япроқ бўлдилар,
Фарқи – ким озроқ, ким кўпроқ бўлдилар.
Тупроқдан кўзага айланиб, бир кун
Синдилар, сўнг яна тупроқ бўлдилар.

* * *

Яратмоқ, ягона Оллоҳгадир хос,
Бу менинг фикриммас, бу ҳам иқтибос.
Бандаси ҳеч нарса яратган эмас,
Фақат бор нарсани кашф этган холос.

## Таваллуд кунлар



**Ҳабибулло Раҳимов** – 31 октябрь (1946) – композитор, Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси аъзоси, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби.



**Саидкомил Умаров** – 2 ноябрь (1946) – Ўзбек Миллий академик драма театри актёри, Ўзбекистон халқ артисти.



**Аваз Мансуров** – 2 ноябрь (1957) – композитор, Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси аъзоси.



**Александр Файнберг** – 2 ноябрь (1939-2009) – Ўзбекистон халқ шоири.



**Нодира Маҳмудова** – 3 ноябрь – Ўзбек Миллий академик драма театри актёри, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист.



**Меҳмонали Салимов** – 3 ноябрь (1952) – Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат мусиқали театри актёри, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист.

## МАЪНАВИЯТ САФТАРИ

Агар осмон – камон, тақдир – ўқ бўлса, камончи Парвардигорнинг ўзидир; ундан қаерга қочардинг?

**Ҳазрати Али (р.а.)**

* * *

Вужудимиздаги ақл ҳаммани ҳайратга соладиган қудратдир. Шунга кўра, фикримизни вужудимизга ҳоким қилсак, қандай яхши.

**“Гита” – кўҳна ҳинд фалсафий таълимотидан.**

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси жамоаси уюшма аъзоси, шоир Ошиқ Эркинга укаси **Арслон МАДРАҲИМОВ**нинг вафоти муносабат билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

O‘zbekiston adabiyoti va san’ati

Манзилимиз: Тошкент - 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Электрон почта манзили: uzas.gzt@mail.ru

Муассис: ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

Ҳамкоримиз: akfa

Бош муҳаррир Салим АШУРОВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Масъул котиб: Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир: Вазира ИБРОГИМОВА
Саҳифаловчи: Нигора ТОШЕВА

Газета 2014 йил 26 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида томонидан 0283 рақам билан рўйхатга олинган.
Адади - 1183. Буюртма Г - 1044.
Ҳажми - 3 босма табоқ, А- 2.
Нашр кўрсаткичи - 222.
Ташкилотлар учун - 223. 1 2 3 4 5 6

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Босмахона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти - 21.00.
Босишга топширилди - 21.35.

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ
Сотувда нархи эркин.

ISSN 2181-614X

Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 233- 57- 42; Санъат бўлими: 233- 56- 40; Назм ва наср бўлими: 233- 58- 60.